

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

*РУСТАМ ХУДАЙБЕРГАНОВ*

# ТАСВИРИЙ САНЪАТДА РАНГ

(Тасвирий санъат факультети талабалари учун  
ўқув қўлланма)

Тошкент – 2004

## АННОТАЦИЯ

Мазкур ўқув қўланма Олий ўқув юрти тасвирий санъат факультетлари бакалавр йўналишидаги талабалар ва ёш rassomлар учун тузилган бўлиб, тасвирий санъатнинг етакчи бўлими ҳисобланган рангтасвир бўйича назарий ва амалий билимларни кенгроқ беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ушбу қўланма рангтасвир фанидан тузилган дастур асосида ёритилган.

Қўланмада ранглар хусусияти, ранг ва тус муносабатлари билан ишлаш, рангларни яхлит кўриш, илгерда манзара ишлаш рангтасвирининг муҳим бўлишларидан биридир.

Одам боши ва қоматини саводли чиза билиш жуда муҳимдир. Тасвирий санъатда шаклларни туғри тасвирлаш ҳамда тус ва ранг аниқ ифодалаш, нисон ички психологик ҳолатини кўрсата билиш учун бўлажак rassomдан катта тажриба талаб этилади.

**Муаллиф: Р.А.Худайбергенов**

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
маданият ходими, доктор

**Маъсул муҳаррир: Ҳ.Исmoilов**

Филология фанлари номзоди, доктор

**Тақризчилар Абдували Эгамбердиев –**

Ўзбекистон Бадний Академияси Санъатшунослик Намин  
тадқиқот институтининг катта илмий ходими  
санъатшунослик фанлари номзоди.

**Баҳодир Жалолов –**

Ўзбекистон Бадний Академияси академиги, Ўзбекистон  
халқ rassomi, профессор

К.Беҳзод номидаги МРДН Илмий – методик Кенгашининг  
2004 йил 16 июн(№4 баённомаси) қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Ўқув дастурлари, дасрликлар ва ўқув қўланмаларини қайта кўриб чиқиш ва  
янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси  
**тавсия этган**

## КИРИШ

Инсон ҳаётида рангнинг аҳамияти катта. Биз кўз ўнгимизда нимани кўрсак шуни рангда ва ранг орқали кўрамиз.

Жамиятда инсон учун рангнинг роли муҳим бўлиб, инсон руҳиятига катта таъсир этади. «Умумий ранг, — деб ёзад Гёте, — одамларда катта қувонч уйғотади». Халқ дидида гўзаллик ҳақидаги тушунча ранг билан боғлиқ. Улар халқ амалий санъатида ўз аксини топган ва халқ байрамларида ҳам ранг—баранг кўринишларни томоша қилишимиз мумкин.

Ранг ўзи нима? У қаердан пайдо бўлади, нималардан тузилган? Инсон руҳиятига таъсир қилувчи рангнинг хусусияти нимадан иборат? Тасвирий санъат асарида ва табиатда рангнинг эстетик таъсири, идрок қилиш қонунлари мавжудлиги, улар қандай? Рангнинг шакл чизиқларига, ёруғ—сояга муносабати қандай? Ранг мажмуаса нима? Колорит нима? Тасвирий санъат назарияси олдида турган шунга ўхшаш ранг билан боғлиқ саволлар ўз ечимини топиши керак.

Бу саволлар устида қадимдан дунёнинг кўпгина олимлари изланиш олиб борганлар.

Ранг муаммоси ҳақида ҳозирги вақтда ҳам кўпгина фан соҳаларида илмий ишлар олиб борилмоқда. Физика фани ранг табиий қуввати билан қизиқса, физиология — одам кўзи орқали ёруғни сезиб рангга айлантиришни, психология—рангни идрок қилиш муаммоси ва унинг инсон руҳиятига таъсир қилиб ҳар хил ҳис—туйғу ҳосил қилиши, биология—тирик жониворлар ҳаётида рангнинг роли ва аҳамияти билан қизиқади.

Ранглар гармонияси, колорит, контрастлар мавҳумий рангларнинг гўзал бирикмаси ҳақиқатан табиатда мавжуд ва рассомлар идрок қилади, умумлаштиради, қайта—қайта ёки ўзгача қабул қилади. Бу маънода табиат (ёки натура) рассомлар учун асосий ранг ҳис қилиш манбаи ҳисобланади.

Рассом асар яратар экан рангларни ўз дидига, услубига, мақсадига бўйсундиргунга қадар излайди. Унинг тагида албатта ранг тушунчаси. ранг назарияси ва қонуни етади.

Мукамал ранг назариясига ва амалиётига эга бўлган рассом ранг орқали бадиий образ яратишга эришади.

Композицияда ҳам ранг катта ўринда туради . Рассом қандай асар яратмасин биринчи навбатда рангга эътибор бериши, изланиши муваффақият келтириши мумкин.

Ушбу асарда ёш рассомлар учун тасвирий санъатнинг рангтасвир йўналишидаги баъзи ранг муаммоси ва қирралари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилинди.

Бу қўлланма ўқиш жараёнида рангли портрет устида ишлаш учун ёрдам бериши мумкин.

Қўлланма рассом—педагоглар, олий ўқув юрти. рассомчилик факультети ижодкор ёш талабаларига, шунингдек тасвирий санъатга қизиқувчи ўқувчиларга мўлжалланган.

## САНЪАТ ВА РЕАЛИЗМ

Санъат— ижтимоий онг шаклларида бири, борлиқни билишнинг . . . алоҳида воситасидир.

Инсон санъат билан жуда қадим замонлардан шуғуллана бошлаган. Санъат кишиларнинг меҳнат жараёнининг ажралмас қисми эди. Одамлар ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ санъатнинг моҳиятини тушунишган, унга ижтимоий онг шаклларида бири деб қарашган. Инсон ўз бадиий асарларида ҳаётда муҳим, зарур деб билган нарсаларини акс эттирган.

Меҳнат жараёнида, ов пайтларида идрок этган дастлабки содда образлари инсоннинг турли вазиятлари, ёввойи ҳайвонлар образ сифатида гавдаланди.

Санъат инсон ижтимоий ҳаётининг ажралмас бир қисми ва эҳтиёжига айлангач, у ўз асарларида жамоа,

жамият интилишларини ифодаладиган, акс эттирадиган бўлди. Санъат ҳаётни билиш, уни алоҳида воситалар ёрдамида акс эттириш ва жамоага муайян таъсир кўрсатиш орқали ижтимоий онг шаклларида бирига айланди, унга фақат борлиқни ўзлаштирувчигана эмас, балки инсонни янги билим ва образли тасаввурлар билан бойитувчи қудратли бир куч деб қаради.

Санъатнинг, шу жумладан, тасвирий санъатнинг (нафис санъат, ҳайкалтарошлик, графика) энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ҳаётни акс эттиради, дунёни билишда инсонга ёрдам беради, уни ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялайди.

Тасвирий санъат асарлари инсон учун битмас – туганмас маънавий бойлиқдир.

Қадимий жамоа ҳаётини археологик қазилмалардан топилган нарсалар ва ўша давр одамларининг қўли билан яратилган тасвирларни кўриб, улар ҳаёти тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Бу жиҳатдан ўн минг йиллар бурун яшаган, номаълум рассомлар томонидан ишланган ов манзаралари алоҳида аҳамиятга эга. Ибтидоий одамнинг қандай ов қилганини, овчиларнинг ўзларини қандай пана қилганликларини, ўша вақтлардаги ёввойи ҳайвонларнинг турларини биз Ўзбекистоннинг Термиз шаҳри яқинидаги Заравутсой дарасида топилган бир тошга ўйиб ишланган расмлар ёрдамида тасаввур этишимиз мумкин.

Бу тасвирлар узоқ ўтмишдаги нафис санъатнинг аҳволи ҳақидагина эмас, шунингдек овчиларнинг ов усуллари, ҳайвонларнинг қилиқлари ва ҳоказолар ҳақида ҳам ҳикоя қиладди. Рассомнинг табиат фарзанди эканлиги ва бу фарзанд табиатнинг ранг – баранг қирраларини акс эттиришга бўлган интилиши ана шу қадимги даврлардан бошланди ва тирли рассомлар ижодида давом этди. Масалан, Сибир ёки Россиянинг ўрта минтақаси табиатини гўзаллигини И.И.Шишкин, И.И.Левитан каби расомлар асарларидан билиб олишимиз мумкин.

- Рус рассоми В.Г.Перовнинг «Учовлон» суратидаги учта болага қарайлик. Уларнинг жулдур кийимлари, ҳолатлари, бошларининг маънос эгилганлиги, ҳорғин кўзлари, кучанишдан ярим очилган лўппи лаблари бутун бир ҳаёт ҳақида ҳикоя қилади. Хўрланган болалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар бизнинг туйғу ва онгимизга таъсир этади.

- Дунёни бадий идрок этишнинг ўзига хос белгилари бор, лекин у дунёни илмий билишдан кескин фарқ қилмайди. Воқеаликни билиш ҳис этишдан бошланади. Ҳис этиш борлиқни бадий идрок этишнинг манбаидир. Ўзгичани манзарачи рассом деб фараз қилинг. Сиз полотнода баҳорнинг уйғонишини тасвирламоқчисиз, дейлик.

Сизда турли ҳислар таъсирида баҳор тушунчаси пайдо бўлади. Бу гулу—лолаларга бурканган баҳор кўриниши. Ариқларнинг шарқираб оқиши, ўрмонларнинг шовуллаши, қушларнинг сайраши, энди сабза уриб келаётган майсаларнинг ям—яшил ранги кўзингизнинг олдига келади, унинг ички руҳ билан ҳис қиласиз..

Манзара чизмоқчи бўлган рассом учун фақат ҳис этишнинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Табиатдаги муҳим ҳодиса ва деталларни оқилона равишда танлаш лозим, чунки бу ҳодиса ва деталлар табиат воқеалигини тўла—тўқис таърифлаб беради.

Рассом ўз асарига маълум бир гоёни сингдиради ва унинг ҳаққонийлигини томошабин билан бирга текшириб кўради. Томошабин унинг ҳис—ҳаяжони ва фикри—ўйини қабул қилади ёки инкор этади, қаҳрамонларини севиб қолади ёки инкор этади.

Агар рассом тажрибаси, уй—ҳаёллари, ҳис—туйғулари томошабин уй—ҳаёлларига тўғри келмаса, агар рассом томошабин ҳис этаётган нарсаларни акс эттирмаса, агар ҳаётнинг томошабин билмаган, лекин билгиси келган жиҳатларини очиб бермаса, бундай асар рассомнинг тор субъектив қарашларинигина акс эттирган бўлади. Бинобарин, бундай асар кенг

томошабинларга ҳеч қандай фойда келтирмайди, унга тушунарли бўлмайди.

Биз суратларни шунчаки томоша қилгимиз келгани учун томоша қилмаслигимизни биламиз. Ахир китоб ўқишдан мақсад ўқишни машқ қилиш эмаску. Томошабин бирор сурат ёки тасвирий санъат асарини бирор янгиликни билиб олиш, бирор нарсани ўрганиш, ҳаётий тажрибамизни ортириш учун томоша қилади.

Ҳақиқатан ҳам, бадиий кўргазмаларда кўпдан – кўп асарларни томоша қилар эканмиз, унда рассомнинг услубинигина ўрганмай, уларнинг композицион талқинига ҳам эътибор берамиз. Бинобарин бундан эстетик завқ оламиз, қўшимча билим, тасаввурлар ҳосил қиламиз.

Биз рассомнинг нафис санъат асарларига қараб, кўпчилик бормаган ва кўрмаган шимолнинг шафқатсиз табиати, узоқ мамлакат кишиларининг ташқи қиёфаси ва характерлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Кўргазмага қўйилган кўпгина суратлар томошабинларни маънавий, эстетик жиҳатдан бойитадиган, турли халқларнинг маданияти ва турмуши билан таништиради, шунингдек, меҳнат ва қаҳрамонликка илҳомлантиради. Шунинг ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, томошабин одатда ташқи кўриниши билан эмас, балки чуқур мазмуни билан жалб этувчи, фикр – мулоҳаза кўзгатувчи, билмаган нарсасини ўргатувчи асарлар олдида тўхтабди.

Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, илғор дунёқараш позициясида турувчи рассомлар яратган асар ҳаётга катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу маънода, санъат борлиқни, инсон меҳнати ва турмушини акс эттирибгина қолмай, уларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этади, қаҳрамонликка ундайди, кишиларни тўғри йўлга бошлайди. Маданий, маънавий ва эстетик жиҳатдан инсонни тарбиялайди.

Рассом асар яратар экан, у бўёқ ва маҳсус усуллар, сюжет танлайди, композиция, колорит, ёруғлик масалаларини ҳал қилади, яъни ўзига хос воситалар билан воқеаликни умумлаштиради ва типиклаштиради,

тасвирлаган образлари орқали ҳаётда содир бўлган воқеани фақат тушунишгагина эмас, ҳис этишга ҳам ёрдам беради. Бундай эмоционал шаклда ифодаланган гоёнинг инсонларга таъсири кучли бўлади.

Шундай қилиб, санъат, жумладан, тасвирий санъат ҳаётни кўриш орқали образли идрок этишдир.

Демак, ҳаётни билиш ва умумлаштиришнинг санъатдаги асосий шакли бадиий образдир.

Рассом бирор воқеликни акс эттирар экан, унга ўз муносабатини билдиради, баҳо беради, у ҳақда фикр юритиб, ўз ҳукмини чиқаради.

Реализм деганда санъат асаридан муҳим ҳаётий воқеаларни гоё ва мазмун жиҳатдан ҳаққоний ва ҳалқчил, бадиий юксак ва равон шаклда кўрсатишни талаб қилувчи ижодий (метод) тушунилади.

3. Реализм — деталларнинг ҳаққонийлигидан ташқари, типик характерларни, типик шароитда тасвирлашни ҳам кўзда тутди.

Санъатдаги реализм тарихий тушунчадир. У жамият тараққиётининг маълум тарихий шарт — шароитларига қараб шаклан ўзгариб туради.

Тарихий шарт — шароитлар антик санъат реализмини, Уйғониш даври реализмини, XIX аср ва бошқа давр реализмларининг ўзига хослигини белгилаб берди. Санъат тараққиёти даврида бир реализм формасининг бошқаси билан алмашиниб турганини кўриш мумкин.

Уйғониш даври реализми маълум тарихий шарт — шароитга мос равишда гуманистик характерда эди. Рассомлар ўз даврининг гуманистик гоёларини ифодаладилар.

Шу билан бир қаторда, бу даврдаги реализм шакли ўзига хос хусусиятларга эга эди. Санъат асарларида маълум ҳаётий муаммолар кўпинча шартли поэтик ва диний ниқобда берилар эди. Жумладан, Леонардо да Винчи, Рафаэль мадонналарида биринчи галда оналик улуғворлиги ифодаланган. Лекин оналик идеали рассом томонидан тавротдаги Момо Ҳаво образи орқали



беради. (Рафаэ́льнинг «Сикистин мадоннаси», Леона́рдо да Винчи́нинг «Мадонна Бенуа» асарларида).

## САНЪАТДА МАЗМУН ВА ШАКЛ

Юқорида эслатиб ўтган асарларда воқеалигикдаги ҳодисаларнинг рассом идеалига мос тасвири бадиий асар мазмунини ташкил этади.

Л.Абдуллаевнинг «Чўлни ўзлаштирувчилар» асарининг мазмуни – Мирзачўлни ўзлаштиришга бел боғлаган ёшлар меҳнатиدير. Бунда мазмунни ифодалаш усули бадиий асарнинг шаклини яратади.

Тасвирий санъатда шаклнинг муҳим элементларидан бири композициядир.

Яъни бадиий асар ғоясига уйғун равишда айрим қисмларининг жойланиши, асарнинг умумий тузулиши композицияни ташкил этади.

Бир мазмуннинг ўзи турли шаклларда ифодаланиши мумкин.

Мавзун ифодалайдиган асосий воқеа – сюжет ҳам бадиий шакл элементларидан бири ҳисобланади.

Сурат колорити, унинг кенг жиҳатдан ҳал қилиниши асар маъзини ташкил этувчи расмларнинг аниқ ишланиши кабилар шаклга, рассомнинг ўзига хос услубига алоқадордир.

Шакл ҳам, ғоя ҳам бир – бирисиз мавжуд бўлаолмайди, улар ҳар доим ўзаро бир – бири билан боғлиқдир.

Бу икки элемент бир – бири билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли иккаласи бир – бирига мос тушгандагина рассом ғояси тўғри тушунилади ва томошабинга етиб боради.

Масалан, рассом қувноқ бир сурат яратмоқчи бўлди дейлик. Аммо унда маълум бир ғояни ифодалаш лозим бўлган, лекин рассом композицияни ифодасиз, тушунарсиз тарзда ҳал қилди. Ундан ташқари, айрим персонажлар расмини шунчалик ноаниқ, пала – партиш чиздики, натижада сурат қаҳрамонлари бедаво, хунук

бўлиб чиқди. Рассом қуёш нури, бўёқларнинг ёқимли гаммаси ўрнига ўринсиз, қорамтир колоритни танлади. Табиийки, бу номуносибликда асар рассом ўйлаганининг акси бўлиб чиқади. Демак, асар шакли қанчалик пишиқ, мукамал бўлса, бадий асар одамларга шунчалик кучлироқ таъсир этади.

Аммо аксича ҳам бўлиши мумкин: рассом ўз асари учун мутлақо тасодифий, аҳамиятсиз темани танлаб оладию, лекин персонажларни бўрттириб, ёрқин тасвирлайди, суратдаги ҳар бир расм детални эринмай пухта ишлайди. Шунга қарамай, асар томошабинни ҳаяжонлантирмайди, уни мафтун этмайди.

Бунда ҳам шакл билан мазмун ўртасида узилиш мавжуд, ҳатто шакл мазмундан юқори қўйилади, аслида эса санъатда мазмун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоғи лозим.

Бадий асардаги асосий нарса мазмун бўлиб, шаклни яратади. Нафис тасвирий санъат рассоми учун инсон чеҳраси, қалби, ҳаётининг драма, табиат таассуроти унинг ҳаёти ва ғояси, тарих руҳи мавзуга айланиши лозим.

- И.Е.Репиннинг фикрича: бўёқлар – рассом учун ўз фикрини ифодаловчи қуролдир.
- И.Е.Репин қуруқ санъатнинг санъат учун хизмат қилишига қарши чиқиб, санъатда биринчи ўринда мазмун туриши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Репиннинг бу айтганлари шунчалик қуруқ гап эмас. Унинг бутун ижоди бунга тонли гувоҳдир.

Хулоса қилиб айтганда реализм методи санъатда шаклни камситмайди, аксинча маҳоратини ўстиришга, санъат асарининг ғоявий ва бадий даражасини тинмай оширишга чақиради.

Катта – катта кўрғазмаларда турли рассомлар асарлари намоиши реализм методи, стили, индивидуал услуби кўплигини, уларнинг турли – туманлигини ёрқин кўрсатиб туради.

## НАФИС ТАСВИРИЙ (рангтасвир) САНЪАТ

Нафис тасвирий санъат нима?

Нафис тасвирий санъат — тасвирий санъатнинг бир туридир. Унда реал ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар мато, қоғоз, фанер ва бошқа нарсаларда бўёқлар билан тасвирланади.

Нафис санъат жуда қадимдан мавжуд. Бу санъат ибтидоий одамлар яшаш учун курашда тош қуроллар ишлата бошлаган пайтларда пайдо бўлган.

Ибтидоий одам тошда ранг—баранг бўёқлар билан ҳайвонларнинг, ўсимликларнинг характерли белгиларини акс эттиришга интиланган.

Рассом бўёқлар ва махсус усуллар ёрдамида жисмнинг қавариқлигини, маконли хажмини яратади.

Нафис тасвирий санъат асосан бешта асосий элементдан иборатдир. Бу элементлар буюм шаклини, рангини, ёритилишини, ясалган материални, тасвирланаётган нарсанинг қандай шароит ва муҳитда эканини тасвирлашда намоён бўлади.

Нафис тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда рассом мавжуд воситалар ёрдамида нарса шаклини ва перспективасини, ранги ва материални, психологик ҳолати ва анатомик тузилишини ва ҳоказоларни тасвирлайди.

Рассом ўзи яратаётган бадий образида ҳаёт қонунларини, унга ўз муносабатини ифодалашга интилади. Нафис тасвирий санъат асари адабий асардан шуниси билан фарқ қиладики, у фақат томоша қилиш орқали идрок қилинади, чунки сурат матонинг бир томонига ишланади, у бир қарашда, бир йўла идрок этилади.

Бир қарашда идрок этиладиган асарни яратишда рассомга катта ёрдам берадиган нарса асар композициясидир, яъни асар композицияси шундай қуриладики, унда алоҳида фигура ва нарсалар бир—бирига боғланиб кетади, натижада муаллиф фикри томошабинга яхши етиб боради. Нафис тасвирий санъат

асарларида калорит — нафис рангларнинг ўзига хос уйғунлашуви — ритм, пропорция, ранг — ҳаво перспективаси ва ҳоказолар ҳам катта аҳамиятга эга.

Ранг — нафис тасвирий санъатнинг жонидир. Бадий асарнинг хиссий, маъновий, эмоционал тасвирини оширишда рангнинг роли ниҳоятда каттадир.

Нафис тасвирий санъат асарлари ўз хусусиятига кўра маҳобатли (монументал), декоратив ва миниатюрага бўлинади.

Маҳобатли (монументал) санъат архитектура ва ҳайкалтарошлик билан боғлиқ ҳолда яратилади. Унинг мавзуси ва мазмуни бадий фикрнинг улғуворлиги белгилайди, унда ўткинчи мавзу эмас, балки халқ ҳаётидаги муҳим воқеалар тасвирланади. Маҳобатли нафис тасвирий санъат композициянинг аниқлиги, пухталиги, колоритининг умумлашмаллиги, композициясининг ҳар томондан кўришга қулайлиги билан фарқланади. Бунга Рафаэлнинг «Афина мактаби» (Ватикан) деворий расми, Ч.Ахмаровнинг Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театри фоесига «Хамса» мавзусидаги деворий расмлари мисол бўла олади. Маҳобатли рангтасвир нафис санъатининг асосий вазифаси хоналарни (панноларни) безашдир.

Уларни алоҳида панноларда ишлаб, кейин бино интерьерларига ўрнатиш ҳам мумкин. Деворга ишланадиган нафис тасвирий нақшнинг мавзуси ва сюжет характери рассомнинг дунёқараши ва бинонинг қандай мақсадда фойдаланишига боғлиқ.

Миниатюра нафис тасвирий санъат бизнингча, нафис ишланганлиги, хажман кичиклиги билан фарқ қилади. Аммо унинг номи кичиклиги ва нафислигидан эмас, балки қадим замонда — қўл ёзма китоблардаги бош ҳарфлар бўяладиган қазил бўёқдан олинган. Миниатюрада рассомларнинг тасвирлайдиган асосий объекти портрет ҳисобланган.

Рассомлар ишлатадиган воситалар ва ашёлар жиҳатидан нафис тасвирий санъат техник жиҳатдан мой бўёқли нафис тасвирий санъатга (бунда бўёқларни

қовуштирадиган нарсa турли мойлардир) ва қуруқ (сув) бўёқ билан деворга ишланадиган суратлар — фрескага бўлинади. Булардан ташқари акварель, темпера нафис санъати, мозаика, витраж ва ҳоказолар ҳам мавжуд.

## МАСОФАВИЙ ПЕРСПЕКТИВА

Бирор буюмдан узоқлашганимиз сари буюм ҳажм кўриниш кичрайиб кўринади. Шунинг билан бирга буюм ранги ҳам ўзгаради. Ҳаво таъсири остида ранг хиралашиб, ҳақиқий буюм рангидан фарқ қилади.

Бир рангли буюмни бирини яқинроқ, иккинчисини узоқроқда жойлаштирсак биринчи буюм ранги иккинчисига нисбатан ёрқинроқ рангда кўринади. Иккинчиси ҳирароқ рангли бўлиб кўринади. Узоқда жойлашган яшил ўрмон кўк — кулранг бўлиб кўринади.

Масофага қараб рангнинг ёрқинлиги ва туси ўзгариб боради. Узоқ—узоқда жойлашган буюмлар мовий рангда кўринади. Бу албатта биз билан буюм орасидаги ҳаво бўшлиғининг таъсирига боғлиқдир.

Оч рангли буюмлар узоқлашган сари камроқ мовий рангда бўлса, тўқ рангли буюмлар кўпроқ мовий рангда кўринади.

Буюмнинг ҳамма ранглари узоқлашган сари ўзининг ёрқинлигини йўқотади, мовийроқ рангда кўринади. Контраст ранглар хиралашади. Шундай қилиб, узоқдаги жисмлар яқиндаги жисмларга нисбатан чегаралари юмшайди, ранглари сусаяди, туси ўзгаради.

Буюм ранги ёруғлик ранги ва ёруғлик кучига қараб ҳар хил тусга бурканиши мумкин. Ўртача ёруғликда ранглар ёрқинлиги камроқ, кучли ёруғлик кучида ранглар очроқ, камроқ ёруғликда эса ранглар тўқроқ ва кам тўйинган ҳолда кўринади.

Ёруғлик рангининг ўзгаришига қараб (эрталаб, кечқурун, қуёшли ёки булутли кун) кўкатлар, дарахт барглари, ер, уй томлари ранги ҳар хил тусланади. Эрта тонгда мовий ва кўк рангда, кундуз куни ҳар хил

рангбаранг кўринишда, кечқурун қизғиш — зарғалдоқ рангда кўриниши мумкин.

Электр чироғи ёруғда ҳамма буюмлар сарғиш — зарғалдоқ рангга бурканган.

Ой ёруғлигида буюмлар яшилсимон ва мовий совуқ рангларда кўринади. Ёруғлик рангини қишнинг қорли манзарасида кузатишимиз мумкин. Чарақлаган қуёшли куни оппоқ қор қизғиш рангда, сояда эса мовий — кўк рангда кўринади.

Шуни ҳам айтиш керакки, буюм ва шакллар бир нуқтадан туриб қаралгандаги, яъни перспективадаги ўлчамлари нисбатини сақлаган ҳолда тасвирлашни назарда тутмоқ керак.

Одатда шакллар ўлчами тасвирланаётганда асли (натура ҳақи — қий ўлчами)нинг ўлчамидан кичикроқ тасвирланади. Шунинг учун шакллар гуруҳининг умумий ўлчам бирлигини тўплаш вазифаси туради. Ана шунда буюм ва шаклларнинг ўлчамлари нисбати бир — бирига мос келиб, тасвир ҳаққоний ўхшаши мумкин. Ўлчам нисбати муносабатлари идрок қилиш қонуни фақат чизматасвирда эмас, балки рангтасвирда ранг ва тус нисбат муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Рефлекслар. Рефлекс ранги буюм рангини ўзгартиради. Тасвирланаётган буюм ҳар хил равшанликда ва ҳар хил ранглар таъсирида (мухитда) бўлади. Асосий ёруғлик нуридан ташқари акс ёруғлик таъсир кўрсатади. Агар буюмнинг ёритилган қисмидаги рангни яримсоя ва соя қисми ранги билан таққосласак, улар ранги ва туси фарқини кўрамыз. Бунга сабаб соя қисмини ёруғлик нури акси (рефлекси) таъсири остида бошқа ранг спектри ҳосил бўлади. Буюмга тушган ёруғлик нурининг буюм соя қисмида акс этган ёруғлик нури рефлекс деб аталади.

Ҳар қандай буюмнинг бир — бирига қараган юзаси унинг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади. Буюмлар ёнма — ён турганида бир — бирига ранги таъсир қилади. Бу ҳолатда рефлекс сезиларли даражада кўринади. Рефлекс буюм рангига ва тусига таъсир кўрсатади. Буюмлар

ранги қанчалик кўп бўлса, рефлекслар ҳам шунчалик ранг – баранг бўлади.

## ПОРТРЕТ ЖАНРИ

Жанр деганда, одатда, бадиий асарнинг маълум тури тушунилади. Нафис тасвирий санъатда турли – туман жанрлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир – биридан мазмун ёки тасвирлаш услубида кўринади. Тасвирий санъатнинг асосий жанрлари қуйидагилардан иборат: тарихий, жанг манзараларини тасвирлайдиган, маиший, пейзаж, портрет ва ҳакозолар.

Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрлари қайсидир маънода инсон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Санъатда ҳар доим инсон асосий ўринда бўлиб, унинг ташқи кўриниши, мураккаб ички дунёси, характери, руҳияти, ҳиссиёти ва шунингдек ҳар хил томонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Нафис тасвирий санъатда, ҳайкалтарошлик ва графика жанрларида инсон чехраси – портрет тасвири асосий ўрин эгаллайди.

Портрет – инсон образини яратиш – тасвирий санъатда энг мураккаб жанр ҳисобланади.

Тасвирий санъат тарихига назар ташласак шу нарса маълум бўладики, нафис тасвирий санъат турларидан бўлган миниатюраларда ҳам рассомлар инсон қиёфасини – портретини яратишга ҳам катта эътибор берганлар.

XIV асрда яратилган «Угедей Каан ва хотини Туркон – Хотун» ва «Хулачухон ва хотини портрети»ни олайлик. Ясси фонда мўғуллар одатича тўшалган тўшакларда персонажлар қатор ўрнашган, улар миниатюранинг бир фазосини эгаллаган ва гўё «идеал» ҳукмдор ва маликанинг олий даражали эканлигидан гувоҳлик беради. Кишилар гавдасининг ҳаракатчанлиги кийимларидаги нозик гулларни очиб турибди.

Бу тасвирларда катта ўхшатишга ва психологик ҳолатини беришга унчалик интилиш бўлмаган бўлса ҳам, ранглар орқали очиб беришга ҳаракат қилинган.

Леонардо да Винчининг «Жаконда» («Мона Лиза») портретини олайлик. Биз бу асарда аёлнинг сирли бир ҳолатини, майин рангларда очиб берганини кўрамиз. Портретдаги тасвирланувчининг ўхшашлигини амалга оширишга ва ички ҳолатини бадий образда очиб беришга ҳаракат қилинган.

Европалик рассомлардан О.А.Кипренский, Рембранд, Дюрер, Кранах, Ван Гог каби рассомлар яратган портретларда композиция, характер ва ранглар уйғунлигини кўриш мумкин. Инсон образини, характерини очиб беришда рассомлар ҳар хил услублардан фойдаланганлигини кўрамиз.

Ўзбек рассомларидан Ч.Ахмаров, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Ахмедов портрет асаларида ранглар уйғунлигини, рангларни ёрқинлигини ва ранг – баранглигини кўрамиз. Рангларни инсон характерига ва руҳиятига мослигини сезиш қийин эмас.

Портретчи — рассом олдида инсон характерини ва мураккаб руҳий ҳолатини очиб бериш вазифаси туради. Шунинг учун рассом жуда кузатувчан бўлиши керак. Ҳар бир инсонни бошқаларга ўхшамаган томонларини, унинг юзида ўзига хос тузилишларини илғаб олиши ва акс эттириладиган шахснинг жинси, ёши, касби ва миллати каби жиҳатларига ҳам асосий эътибор қаратилади.

В.Серов бирон бир инсоннинг портретини яхшилаб ўрганмасдан, унинг ўзига хос ўтириши ва ҳаракатини топмасдан иш бошламаган. У портретини ишламоқчи бўлган кишини у ёқ — бу ёққа юришини кузатган, узоқ суҳбатлашган. В.Серовнинг бу одатларидан портретини ишлатмоқчи бўлган баъзи кишилар хафа бўлиб, жаҳли чиққан пайтлари ҳам бўлган.

Портрет ишлашда инсоннинг индивидуал характерли томонларидан ташқари, унинг касби ва теварак — муҳит таъсири ҳам катта аҳамиятга эгадир.



Кўп рассомлар портрет яратиш устида ишлашади. Аммо баъзилар инсон характерининг бир томонини кўрсатишса, баъзилари замондошларининг умумлаштирилган образини яратадилар.

Ҳақиқий портретчи — рассом эса, бир инсон қиёфаси орқали бир неча кишининг айрим хусусиятларини акс эттириб, ҳаётни атрофлича ўрганиб, ўз тасаввури билан бойитиб портрет яратади.

В.Серов Вера Мамонтова портретида фақат унинг бетакрор юз бичимидан ташқари, бошқа ёш қизларга хос умумий томонларини ҳам кўрсатган.

Рассом ёшликнинг гўзаллигини ва шоироналик, лирик эхтирослилик хусусиятларини ўз тасаввури бўйича кўрсата олган. Шунинг учун ҳам бу портрет ҳар бир томошабин қалбида из қолдиради.

Рассом портрет ишлашда инсоннинг характер — хусусиятларини аниқ ва тушунарли қилиб очиб бера оладиган композиция топиши керак:

1. Томошабинни инсоннинг юзига ва бош қисмига диққатини тортиши керак. Портретда асосий қисм — бу юз ва чеҳрасидир. Юз орқали инсоннинг ички дунёсини акс эттириш мумкин бўлади. Чеҳраси орқали унинг характерини тўла ва ёрқин акс эттиришни излаш керак. Шунинг учун ҳам юз бичими диққатни тортиши ва қолган иккинчи даражали қисмлари асосий қисмини очиб беришга ёрдам бериши керак.

Тасвирланаётган кишининг характерини очиб беришда унинг кўзи ва лаби катта аҳамиятга эга. Булар унинг ички дунёсини акс эттиришда асосий калитдир. Кўзни тасвирлашда рус рассомларидан Рокотов, Левицкий, Боровиковский, Брюллов, Репин, Серов кабилар катта муваффақиятга эришганлар.

Портретда инсоннинг қўли тасвири ҳам катта аҳамиятга эгадир. қўл орқали унинг касбини, соғлиғини, характер хусусиятларини англаб олиш мумкин. Рассомлик касбига хос қўл характери Брюлловнинг «Автопортретида» ажойиб ишланган.

2. Бош ҳаракати, бурилиши ёки эгилиши, юз мимикаси, гавданинг ҳолати одам характери́ни очи́б бериши керак. Одам ўзига хос табиий ҳолатида, ҳаракатда тасвирланиши керак. Булар ҳаммаси композиция тузилишининг асоси ҳисобланади. Портретчи — рассом учун одамнинг характерли ҳолатини, кайфиятини, унга хос томонларини таъкидлаш муҳим вазифадир. Гавда ҳолати, имо — ишора ва қўл ҳаракати ҳам инсон характери́ни очи́б беришда муҳим рол ўйнайди. В.Серовнинг «Ермолова портрети»да гавда ҳолати бунга ёрқин мисолдир.

Портрет ишлашда либос танлаш ҳам катта эътиборга эга. Кишининг касби, мавқеини либос орқали кўрсатиш янада тасаввурни бойитади.

3. Портретни ифодали акс эттиришда уни ўраб турган муҳит, яъни фон ҳам муҳимдир. Юқорида айтган Ермолова портретидаги фонда театр фойесининг девори ва кўзгуси акс эттирилган. Бу билан тасвирланаётган одамни театрга алоқадорлигини биламиз. Фондан фойдаланишда имкон даражада кам деталлардан фойдаланиш лозим. Фон томошабин диққатини бўлмаслиги ва чалкаштирмаслиги керак.

4. Портретнинг ўлчами ва ҳажми, формат ҳам тасвирланувчининг бадиий характеристикасига мос келтирилиши керак. Портрет ҳажми тасвирланувчининг гавда ҳолатига боғлиқ.

Портрет ҳажми (формати) кўп ҳолларда тикка тўғри бурчаклидир, айрим пайтларда квадрат ёки горизонтал бўлиши мумкин.

Портретда тасвирланувчини ҳақиқий ўлчамидан катта қилиб тасвирлаш яхши эмас. Ҳар қандай тасвирий картина маълум масофадан туриб қаралади.

Агар портрет тўғри ўлчамда тасвирланган бўлса, табиийки картина масофадан қаралганда портрет ўз ҳақиқий ўлчамида кўринади.

Шунинг учун ҳақиқий ўлчамда ёки кичикроқ ўлчамда бўлиши маъқулдир.

Портрет санъатида тасвирланувчига ўхшашлик бўлмаса портрет рўёбга чиқмаган деб ҳисобланади. Портрет — аввало бу ҳужжатдир. Портретдаги ҳужжатлилик фотографиядаги тасодифий ҳужжатлиликдан катта фарқ қилади.

Портрет санъатида эса одам характер хусусиятлари акс эттирилади. Бу инсон феъл — атворини, юз бичимини умумлаштириш натижасида ҳосил бўлади.

Формалистик оқимдаги нафис тасвирий санъатчилар портретда реал шахс эмас, балки одам ҳақидаги рассом шахсий тасаввури муҳим деб ҳисоблайдилар. Бунинг билан санъатда инсон ички дунёси пала — партиш тасвирини оқлашга уринадилар. Улар портретида ёрқин, декоратив совуқ ранглар кўзга ташланади. Кўз тасвирида қалб кўзгуси акси эмас, балки бошнинг элементи каби тасвирлайдилар. Портретда инсон руҳияти, ҳиссиёти ва фикри акс эттирилмайди.

Портретнинг асосий талабларидан бири, тасвирланаётган шахснинг ўхшашлигидир. Инсон чеҳраси яъни ташқи кўриниши аниқ тасвирга эга бўлиши керак. Аммо яхши портрет учун ташқи ўхшашлик камлик қилиши мумкин. Ҳақиқий портрет инсоннинг ички руҳий ҳолатини, дунёсини ҳам очиб бериши керак. Маҳоратли портретчи — рассом кўзи инсон чеҳрасидаги лаб ҳолатини, кўз нигоҳи, ҳолатини, ҳаракатини, юриш ҳаракатини, ўтириш, кийиниш ва умуман ҳар бир шахсга хос бўлган томонларини зийраклик билан илғаб, уни усталик билан тасвирлай олади.

Портрет ўзида ҳар қил маънога эга бўлган томонларни қамраб олиши мумкин. Рассом инсон чеҳрасини унинг яхши томонларини ва ўзи яхши кўрган хусусиятларини очиб бериб тасвирлаши мумкин.

Портретда инсоннинг руҳий ҳолатидан ташқари уни қайси табақага ҳослиги ҳам кўрсатади, яъни бадавлатлиги, камбағаллиги, унинг касби — кори,

жамиятда тутган ўрни ҳам рассом назаридан қочмаслиги мумкин.

Тасвирланаётган шахснинг индивидуаллиги композиция тизимида, портрет ўлчами ва текисликнинг форматида таъсир қилади. Портрет кўкраккача, белигача, тизагача, бир қиёфали, кўп қиёфали ва автопортрет кўринишида бўлиши мумкин. (расмларга қаранг)

Инсон характери ўтиришида, ҳаракатида ва бош ҳолати, шунингдек қўл ҳаракатлари орқали кўрсатилиши мумкин. Портрет ишлаётган рассом ҳар доим тасвирланаётган шахснинг ўзига хос томонларига эътибор бериши керак. Инсон чеҳраси ва ҳаракати индивидуал бўлиб, ҳар бир шахсга хосдир. Портретда аниқ бир шахснинг чеҳраси орқали унга хос бўлган характер, шу давр, унинг руҳий кечинмалари, изланишлари, инсон орзуси ва бошқалар билан рассомнинг фикри, унинг шу инсонга бўлган муносабати ҳам акс эттирилади.

## ОДАМ БОШИ ЧИЗМАТАСВИРИ

Одам бошининг шакли бош суяги тузилиши, мускули ва ёғ қатламининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

Бошининг белгиларидан пешона, ёноқ суяклари, гардани, кўзи, бурун, оғиз, қулоқ, юз — бети, энгаги шакллари ва тузилиши эътиборни тортади.

Пешона шакли пешона суягининг шаклига боғлиқ. Пешона шакли (баланд, кенг) тор, дўнг, силлиқ, қаварик, қийшиқ бўлиши мумкин. Шунингдек чакка шакли: чакка суягининг ботиқлиги ва бўртиб чиқиб туриши, яноқ суягининг ўткирлиги озғин одамларда яққол кўриниб туради. Семиз юзли кишиларда эса аксинча гардан (энса) шакли бўртиқ, ясси, оған бўлиши мумкин.

Бошнинг пастки қисми шакли юз суяги ва мускулларига боғлиқ бўлади.

Инсон чехрасини тасвирлашда юқориги жағ суяги, яноқ, бурун ва пастки жағ суяги муҳим аҳамиятга эга. Бурун суяги бурун шаклини аниқлайди.

Бурун шакли, тўғри, бургут—бурун, картошка—бурун кўринишида бўлиши мумкин. Улар характериға қараб, ўлчамиға, қисмларнинг жойланишиға, бурун учига, бурун белиға ва бурун қанотчаларини жойланишиға қараб ҳар хил бўлади.

Лабнинг юқориги қисми призматик шаклда бўлади. Лабнинг икки чакка қисми пастки лаб билан бурчак ҳосил қилади. Икки лаб бирлашган жойда лабнинг ўрта чизиги ҳосил бўлади. Пастки лаб ёйсимон бўлиб ўртарағи бўртиброқ чиққан бўлади.

Лаб асосан нозик, ўртача, йўғон ва қалин каби тўрт кўринишида бўлади. Жағ тишларининг бирикиши лаб шаклиға таъсир кўрсатади.

Кўз шарсимон, кўз чуқурчасига жойлашган бўлиб, бизға кўриниб турадиган қисмида кўз қорачиги ва атрофи оқ рангдадир. Кўзнинг юқориги ва пастки қисмини кўз қовоқлари ёпиб туради. Кўз қовоғининг икки чеккасида бириккан қисмини кўз бурчак дейилади. Бурун томонға қараган бурчаги ички бурчаги, бошқаси ташқи бурчаги дейилади. Кўз қовоқлари кўриниши бодом шаклини ташкил қилади. Бу кўриниш ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Юқориги қовоқ ҳаракатчан бўлиб, кўзни кўпроқ қамраб олади. Кўзнинг юқори чегарасида қош жойлашган. қошнинг ички томони йўғонроқ, икки чекка томони эса нозик думсимондир. қошлар қалин, ингичка, узун, қисқа, қуюқ, сийрак, тўғри, ёйсимон, узук—узук, соч толаси ўскин бўлиши мумкин.

Пастки жағ энгак тақасимон кўринишда бўлиб мускуллар билан қопланган. Энгак думалоқ, ясси, ўткирбурчакли, тўғрибурчакли ва ўтмас бурчакли шаклда бўлади.

Юз шакли ёноқ суякларининг бўртиб чиқишиға, пастки жағға, мускулларига ва ёғ қатламларига боғлиқ бўлади. Юз овалсимон кўриниши ёноқ суякларининг бўртиб чиқишиға боғлиқ бўлиб кенг юзли, нозик юзли

бўлиши мумкин. Ёғ қатламининг қалинлиги юзни семиз қилиб думалоқ кўринишга олиб келади. қулоқ чуқурчаси атрофи шакли овал шаклидадир. Юз мускуллари инсоннинг руҳий ҳолатига қараб қисқариши, ўзгариши мумкин.

Портрет ишлашда чизилаётган кишининг чеҳраси унинг ёшига, жинсига, касбига, миллатига қараб характерли томонларини аниқлаш ва тасвирлаш муҳим аҳамиятга эга. Рассом портретнинг ўзига хос, яъни ўзи тасвирланаётган кишига нисбатан муносабати, энг нозик қирраларини очиб бериши алоҳида ўрин тутади.

Инсон чеҳрасини тасвирлаш учун пропорцияларини катта аниқликда ва ҳар хил шакллари, рангини, тусини синчиклаб уларнинг фарқини топиш керак.

Портрет ишлашда бош суяги ва мускуллар анатомиясини яхши билиш портретни муваффақиятли чиқишига ёрдам беради.

Ёруғлик ҳам портретда катта аҳамиятга эга. Ёруғлик чеҳранинг шаклларини тасвирлашда катта ёрдам бериб, унинг характерини очиб беришда муҳим рол ўйнайди. Масалан: пешонадан ёритилган чеҳрада соялар йўқолиб кетиши мумкин. Ён томондан ёритилганда чеҳрадаги шакллар яхши аниқлик билан кўринади.

Ёруғликдан тўғри фойдаланилса, инсон характерини, руҳий ҳолатини очиб беришга катта ёрдам беради.

Портретда бош ҳақиқий ўлчамадан (натурадан) кичикроқ тасвирланиши мақсадга мувофиқдир. Бош шаклини чизаётганда унинг ҳолати, яъни бурилиши ва оғишини аниқлаш муҳим. Одам бошини тўғри тутиши, ён томонга оғган ҳолда ёки энгашиброқ тутиш, орқага ташлаб, ўнг ва чап томонга бурилиб тутиши мумкин.

Бош ҳолати ҳам инсон характерини очиб беришга катта ёрдам беради. Чунки бу ҳолатлар ҳар бир инсонга хосдир.

## РАНГТАСВИРДА ЧИЗМАТАСВИРНИНГ ЎРНИ

Рангтасвир рангшунослик қонунларига асосланиб борлиқни реалистик ифодалайди, акс эттиради. Рангтасвир маҳорати — бу текисликда борлиқни тўлақонли табиий рангларда акс эттиришдир. Бунинг учун расом ҳавоий перспектива, масштабни, ҳажмни чизматасвир орқали акс эттиришни пухта эгаллаши керак. Тус, ранг ва чизматасвирни бир — бирига боғлаб, рангтасвир асарида моҳирона фойдаланиш зарур. Чизматасвирсиз фақат бўёқлар орқали буюмнинг шаклини, ҳажмини, борлиқдаги ўрнини акс эттириш мумкин. Агар манзара ишлашда перспектива қонунларига амал қилиб чизматасвири кўрсатиб берилмаса, рангни аҳамияти ўринсиз бўлади. Баъзан рассомлар «Рангтасвир нима?» деган саволга: «Бу 100% чизматасвир ва 100% рангтасвир ўзаро мужассам боғлиқлигидадир» дейишади.

Реалистик рангтасвирда чизматасвирга муҳим ўрин ажратилади ва чизматасвирни эгаллаш реалистик рангтасвир жараёнида асосий шартдир. Олдин чизматасвир ишланиб, кейин ранг берилади. Сўз чизиқли рангтасвирда эмас. Рангтасвирчи олдиндан чизматасвир тайёрламаслиги мумкин. Аммо унинг асарида аниқ чиройли чизматасвир рангтасвир билан чамбарчас боғланиб, яққол тасвир ҳосил қилганини кўрамиз.

Ёш рассомни ўқитиш чизматасвир, рангтасвир, композиция фанлари билан параллел олиб борилади. Рангтасвирчи рассомни ўқитишда талаба олдиндан чизматасвир орқали перспектива, буюмларни конструктив шаклини тусли чизматасвири ва нисбатлар тушунчасига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Баъзи талабалар ишларини таҳлил қилганимизда чизматасвирни тўла эгалламасдан ранг (бўёқ)да тасвирлашга киришилган портретда тасвирланувчи ўхшамаганлигини, тус (тон), колорит, ҳавоий

преспектива каби тушунчалар амалга ошмаганлигини кўрамиз. Ёруғлик ва соя қонунларини, тусли чизматасвирнинг вазифасини билмаган ёш рассом — портретчи шакл тасвирини рангда кўрсата билишни, фазодаги жойланишини тасвирлашда катта қийинчидикка дучор бўлиши мумкин.

Рассомчилик мактаблари тажрибаси тарихдан маълумки, ўқитиш — ўрганишнинг биринчи босқичида чизматасвирдан пухта, жиддий тайёрлашга катта эътибор берилади. Шундагина кейинчалик рангтасвир билан шуғулланиш жараёни яхши натижаларга олиб келади.

Европалик рассом Тициан чизматасвирнинг аҳамияти ҳақида шундай деган: «қадди қоматни ранг (бўёқ) гўзал қилмайди, балки яхши чизматасвирдир». У кексалик даврида ҳам ҳар куни бирон нарсани чизишни қилмаган.

Жаҳоннинг буюк рассомлари Микеланжело, Жорж Вазари, Леонардо да Винчи, П.П.Чистяков, И.Е.Репин, А.М.Васнецов, К.П.Брюллов, В.А.Серов ва бошқалар чизматасвирга катта аҳамият берганлар.

Нафис тасвирий санъатда рангни чизматасвирдан ажратиб бўлмайди. У ҳар доим чизматасвир билан чамбарчас боғлиқдир.

Чизматасвирнинг ихтисослик даражасида эгаллаш график, меъмор, безакчи, маҳобатли ва бошқа барча рассомлар учун зарурий ҳисобланади. Яхши чизматасвирни эгалламаган ҳақиқий кино ёки театр рассомини тасаввур қилиб бўлмайди.

Реалистик чизматасвир асосларини эгалламаган безатувчи, амалиётчи, маҳобатчи ёки педагог — рассом ихтисослигини эгаллаган рассомлар картина чизишни бошласа, бу дастгоҳли чала санъат асарини вужудга келтиради, ёлғон маҳобатлилик ва безакдорлик хусусиятларини намоён қилади, образлиликка путур еткази.

Қуйида ҳар бир ёш рассом рангтасвирга ўтишдан аввал чизматасвирдан эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмаларнинг минимал ҳажми кўрсатилади.



Чизматасвирнинг бу бошланғич курсига ҳам назарий билимлар, ҳам қуйидаги масалалардан амалий кўникмалар ҳосил қилишни киритиш зарур:

1. Кузатув перспективаси қисмлари (уфқ чизиғи, ётиқ чизиқ ва ясси ашёлар перспективаси). Юзалар билан чекланган ашёлар қурилмаси ва перспектив тузилмаси (куб, призма, ич ва ташқари).
2. Цилиндр шаклидаги ашёларни перспектив тузилиши жиҳатлари.
3. Геометрик жисмларнинг нур – сояси (шар, цилиндр, кубда нур – соя чегараси, ҳавоий перспектива жисмлари).
4. Чизматасвирда ҳажм, ашё ва маконни бериш усуллари турли ашёлар ёруғ – соя хусусияти, тус муносабатлари, ҳажми, ашё ва маконни беришда чизиқ ва чизиқчалар ўрни.
5. Баъзан талабалар тусли эмас, қурилмали чизматасвирни маъқул кўради. Чизматасвирни чизмадан, чизмали қурилмадан бошлашади ва нур – сояли, тусли муносабатларни берувчи жонли шаклга эриша олмайди. Бундай чизматасвир рангтасвирга ўтиш имконини бермайди.

Рангтасвир учун чизилган буюмнинг чизматасвири шартли контур чизиқларига эътибор бермаган ҳолда, уни атроф – муҳит билан боғлаб ҳажмини ранг орқали шакллантира бошлаши ва унинг нисбатлари, материаллигини аниқлаш лозим. Ҳомаки чизматасвирдан бошлаб, оҳирги мўйқалам нуқтасигача рассом ҳар доим чизматасвирни эсдан чиқармасдан шакли ўрганиб акс эттирмоғи керак. Рангтасвир – бу чизматасвирнинг давоми ҳисобланиб, бир неча мартта шаклнинг чизматасвирига қайта – қайта қайтмоғи ва аниқлик киритмоғи лозим. Чизматасвирдаги Маҳорат рангтасвирда асар яратишнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Реалистик санъатида бадиий образ яратишининг энг биринчи асоси чизматасвирдир. У одам образини

яратишда ва воқеликни таъсвирлашда муҳимдир. Асарнинг муваффақияти ва композиция орқали фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш чизматасвирга боғлиқ. Рассомларда композицияда умумий фикрлаш ҳам чизматасвир орқали дунёга келади.

Рассом портрет яратар экан, агар реалистик чизматасвирни тўла эгаллаган бўлмаса, ҳеч қачон тўлақонли етук образ ярата олмайди.

## **РАНГТАСВИР НАЗАРИЯСИ. РАНГ (БЎЁҚ) ДА ИШЛАШ НАЗАРИЯСИ**

Рангтасвир саводхонлиги назариясини доимий равишда ўрганиб бориш тасвирий санъат таълими муваффақиятини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Рангтасвирнинг мустаҳкам назарий қонун — қоидаларига таянибгина, ёш рассом амалий кўникмаларга эга бўлиши мумкин ва ижод йўлига кириб боради.

«Назариясиз амалиётга кириб борган киши, — деб ёзади Леонардо да Винчи, — компасиз йўлга чиққан денгизчига ўхшайди ва қаёққа кетаётганлигини ўзи ҳам тузукроқ англаб етмайди. Амалиёт ҳамиша яхши ишлаб чиқилган назарияга таяниши лозим ва назариясиз рангтасвирнинг муваффақиятини ҳеч қачон таъминлаб бўлмайди»

Рангтасвирчи рассом Д.Н.Кардовский қуйидагиларни ёзган эди. «... санъатни ўрганаётганлар ифода усуллари ва қоидаларига бўйсунилари, шакл, ранг, тус, хусусият, ҳаракат, мутаносибликни бера олиши, уларнинг қонуниятларини билиши лозим».

Тасвирий санъат тарихида рангтасвирга ўргатишнинг амалиёти билан боғлиқ катта тажриба тўпланган. Услубий адабиётда техник ва технологик маслаҳатлар билан бойитилган қимматли маълумотлар тўпланган. Назарияга келсак, бу соҳада тарихий мерос етарли эмас.

Кейинги йилларда тасвирий саводхонлик назариясини ўқитишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бир қатор услубий қўлланмалар чоп этилди, уларда чизма маҳоратнинг айрим назарий йўналишлари ёритиб берилган: хусусан ёруғ – соя, ранглар, ҳавоий перспектива қонуниятлари шулар жумласидандир. Аммо бу қўлланмаларнинг мазмунига эътибор бериладиган бўлса, маълум етишмовчиликларни кўриш мумкин. Гап шундаки, талаба ёритиш, муҳит, ҳавоий перспектива асосида нарсалар рангини қанчалик тушуниб ва англаб етмасин, у ҳақиқий рангтасвирчи бўлиб етиша олмайди. Негаки буларнинг барчаси билан чизматасвир ва рангтасвир назариясининг асосий масалаларини ҳал этиб бўлмайди.

Рассом тафаккур бутунлигини кўриш орқали англаш қобилиятига эга бўла бошлагандагина реалистик рангтасвир маҳоратини эгаллашга киришади. Ўнлаб машҳур рассомларни тарбиялаб етиштирган тажрибали рассом – педагог Д.Н.Кардовский таъбири билан айтганда, «ҳам постановкада ва ҳам иш жараёнига раҳбарлик қилаётганда ранг муносабатларини тўғри топишга қаратиш муҳимдир... ҳар вақт муносабатлар асосида тафаккур юритиш ва ишлашга ўрганиш зарур».

Таълим жараёнида талабалар энг аввало рангтасвирнинг тус ва ранглар муносабати ва уларни белгилаш усулидек асосий қонунни эгаллашлари зарур. Айнан шу рангтасвир назарий курсининг асосий моҳиятини ташкил этиши зарур.

Булардан ташқари рангтасвир таълимининг назарий курси таркибига чизматасвирнинг рангтасвирдаги етакчи роли, ҳавоий перспектива, ёруғ – соя қонунлари, тасвирий юзада тасвирланаётган ашёларнинг хажмий, моддий, маконий сифатларини етказиш қоидалари, тасвирни тус ва ранг бутунлигига эриша олиш сингари масалалар ҳам киритилиши зарур.

Чизиқлар ва битта рангда (бўёқда) ҳам ажойиб портрет ёки картина яратиш мумкин.

Аммо реалистик дастгоҳли рангтасвирда, рангли, ҳавоӣ ва борлиқни ҳаққонӣ тасвирлаш тили, усули тасвирий санъатнинг негизи ҳисобланади.

Ҳажмини, материалини, буюмларининг бир — бири билан боғлиқлигини биз перспективада, ёруғ ва сояда шунингдек рангда кузатамиз, кўраммиз. Материал ва ҳажм идрок қилиш шакл юзасини ранг — баранглигини ва ёруғ — соянинг қилма — қиллигига боғлиқ. Шакл ранглари кўзимиздан узоқлашган сари ўзгариб, биринчи пландагиси иккинчи пландагисидан фарқ қилади. Шунинг ранглар кучи, туси ҳам ўзгаради.

Биз ҳаётда кузатган нарсалар рангини холста ёки қоғозда акс қилаётганимизда уларнинг гўзал, таъсирчан қилиб яратишимиз мумкин. Биз бунда нарсаларнинг (шакл) рангини эмас, уларни бизнинг кўзимизга қандай кўринишини ҳисобга олган ҳолда тасвирлаймиз. Яъни жисмларни ҳавоӣ перспектива орқали кўринган ранглар ёрдамида акс эттираммиз. Бизга кўринган ранглар жисм ҳақиқӣ рангидан анча фарқ қилиши мумкин. Барча кўринган жисм ранги унинг яқин ёки узоқда туришига, рангига, ёруғлик кучига ва теварак — атроф таъсирига ҳам боғлиқ. Шунинг билан бирга равшанлиги, ранги ва ранг туйғунлик кучи ҳам ўзгаради.

## **НАФИС ТАСВИРИЙ САНЪАТДА РАНГ МАСАЛАСИ**

Биз ҳаётда атроф — муҳитни кузатар эканмиз борлиқни ранг орқали тасаввур қиламмиз, кўраммиз. қандайдир буюм, шаклларнинг ранги доимий хотираммизда сақланиб қолади. Яъни, кўкатлар — яшил, осмон — кўк ранг, қор — оқ, олов — қизил каби рангларда.

Буюмлар ранги шароитга ёруғлик кучига, ёритилиш рангига ҳам боғлиқдир. Буюм ўзи турган муҳитда атрофга ўз таъсирини ўтказиб туриши ва унинг атрофидаги рангли буюм унга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ҳар доим буюмлар бир — бирига таъсир қилиши мумкин.

Буюмнинг ранги унинг турган ранг фонига қараб ўзгариши мумкин. Масалан: кулранг буюм қизил фонда—яшил—кўк рангда, яшил фонда—қизғиш рангда, сариқ фонда—мовий рангда кўринади. Думалоқ қилиб қирқилган қизил рангдаги қоғозни кулранг қоғоз устига қўйсак, кулранг фон яшилсимон бўлиб кўринади. Агар қизил рангдаги қоғоз ўрнига яшил қоғоз бўлакчасини қўйсак, кулранг фон қизғиш рангда кўриниши мумкин. Ҳар кўринишдаги вазиятда контраст ранглар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Контраст ранглар ёнма—ён жойлашса ранг кучини янада оширади. Булар, қизил—яшил, зарғалдоқ ранг—нилоби ранг, сариқ—кўк, яшил—сариқ—бинафша ранг ва бошқалардир. Буюм ранги кузатувчидан узоқ—яқинлигига ҳам боғлиқ (ҳавойий перспектива). Оқ ранг узоқлашса хиралашади (қораяди), қора, тўқ ранг—оқариб (кулранг тус) кўриниши мумкин.

Буюм ранги, туси, равшанлиги ва туйғинлигига қараб ҳар хил ўзгаради. Бу ўзгариш ҳам шартлидир.

Ёш рассомлар бу ўзгаришларни сезмайдилар. Аксинча буюмнинг бўёқ рангини кўрадилар. Электр чироғи нурида ёритилган оқ қоғоз рангини табиий ёруғликдагидай оқ дейдилар.

Афсуски, унинг сарғиш рангда эканлигини сезмайдилар. Кечки қуёш нурида эса зарғалдоқ рангдадир. Яшил дарахт узоқлашган сари совуқ—мовийсимон оч рангда бўлиши мумкин. Реалистик тасвирий санъатда рангларни бир—бирига нисбатан шартли аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу ҳолдагина рассом буюмни ҳаққоний тасвирлаши мумкин. (9—расм)

Малакали рангтасвирчи—рассом табиатдаги ранглар ёруғлик нурида ўзгаришини яхши сезиши мумкин. Баъзи картиналарга қарасак ой ёруғида акс эттирилган манзарадаги ранглар оч яшил—кўклигини, кечки қуёш нурида ва сунъий ёруғликдаги манзаралар эса сариқ—зарғалдоқ ёки қизғиш колоритдагина кўрамиз. Булар ҳаммаси рассом томонидан табиатда ранглар ўзгаришини объектив акс эттиришидир. Куинжи, Поленов, Репин

картиналарида рангларни объектив ўзгариш қонунлари асосида яратилганлиги маълум.

Рангтасвирда ранг колоритини яратиш катта аҳамиятга эга.

## **РАНГЛАР МУНОСАБАТИ ВА КОЛОРИТ**

Буюм шакли ҳажмини, материални, фазода жойланишини, юзасини ёруғлик ва соя орқали, унинг бир—биридан фарқланувчи туси ва уларнинг ранги, рангларининг бир—биридан фарқ қилиниши туфайли идрок қиламиз.

Рангтасвирда буюмни рангда шакл беришда, унинг табиат муҳитдаги ранглар муносабатида акс эттириш катта аҳамиятга эга. Томошабин идрок қилиши, умуман рангларнинг бир—бирига муносабатига таянади.

Рангтасвир ишлашда ёруғлик кучи нисбатидан ташқари, рангнинг ёрқинлик кучи ва ранглар мутаносиблигини кўрсата билиш керак. Шу билан бирга рангни тўйғинлик нисбати, ранг кучи нисбати, ранг туси ва тури тўғрилигидан муҳимроқдир.

Битта буюмлар тўплами (постановка) ни ишлаётган кўп рассомлар тасвирий ишида совуқ ранглар ёки иссиқ ранглар жилосида, шунингдек ёруғроқ колоритда ва қорамтир колоритда бўлиши мумкин. Бир гуруҳ буюмлар тасвири бир неча рассомлар ишида ранглар ёрқинлиги, ранг ва ранг тўйғинлиги ҳар хил кўринишда акс эттирилган ҳам бўлиши мумкин. Аммо ҳамма тасвирий ишда буюмлар ранги ва ёрқинлик кучи тўғри берилиши, ҳаққоний тасвирланиши лозим бўлади.

Қандай бўёқлар ранг жилосини олмайлик, у равшанроқми ёки тўқроқ (тўйинган)ми ранглар фарқидаги уч хусусият ёрқинлик, ранг, тўйғунликка амал қилиш шартдир. Акс ҳолда нафис тасвирий санъат ҳаққоний таассурот қолдирмайди.

Буюм рангининг тўйғинлиги, туси ва ҳар хил ёрқинлиги орасидаги ўзаро боқлиқлиги шу буюмнинг ранглар нисбати дейилади.

Нафис тасвирий санъатда ёруғ – соя нисбатини акс эттириш, ранг нисбатини акс эттиришдан асло ажратилмайди. Улар биргаликда ҳал этилади. Унинг учун буюм шаклини рангтасвирда ранг тусини тўғри бериш рангни уч асосий хусусиятига боғлиқ.

Реалистик нафис тасвирий санъатда ранг ва ёруғ – соя воситалари буюм шаклини тасвирлашда ранг нисбати, ранг туси асосий рол ўйнайди. қачонки буюм шаклининг ёруғлик ва ранг кучи тўғри топилса буюм шакли бунёд қилинади.

Рангтасвирчи рассомнинг маҳорати буюм шакли рангини тўғридан – тўғри кўчиришда эмас, балки ранг танлашда улар нисбатини тўғри топа билишдадир.

Буюмни рангда тасвирлашда унинг колоритини ва рангини тўғри танлаб олиш тасвирлашнинг муҳим шартидир.

Рангтасвирни маъноли талқин қилиш учун натурани кузатиш чоғида фақат тусли эмас, балки рангли фарқларини ҳам қандай идрок этилаётган бўлса, шунда тасвирланиши зарур.

Ранг муносабатлари ҳолати буюм – шакл ва муҳитнинг ўзаро алоқасини акс эттиради, шунинг учун тасвирда берилаётган тус ва ранг муносабатларини яхлитлиги тўлақонли ранг нисбатлари ва калоритини тўғри топишга имкон беради.

Натуранинг ранг муносабатларини тўғри бериш учун биринчидан, ранг хилини, жиҳатини ( кўк, сариқ, яшил ва ҳ.к), иккинчидан, бу рангларнинг ёрқинлиги (туси) бўйича муносабатларини (фарқини), учинчидан, шаклнинг (ва унинг юзасининг) бошқаларга нисбатан рангга тўйинганлигини белгилаш лозим.

Иш жараёнида ҳар бир рангнинг ёруғлиги, туси, нимгуси ва бошқалар унинг ўзига эмас, балки бошқаларга боғлиқ эканлигини ёдда тутиш зарур. Рассомни фақат ранг фарқи, ранг муносабатлари (нисбатлари) қизиқтириши керак. Шунинг учун рангтасвир – бу натура шакллариининг рангини доимий қиёсий таҳлил қилиш жараёнидир. Портретда кўзга

кўринаётган рангларни фақат ранг ёрқинлиги жиҳати билан эмас, балки ранг ёруғлик қуввати, ранг тўйинганлиги билан ҳам сақлаб қолиш муҳим ҳисобланади. (5 – расм) Рангтасвирнинг ҳаққонийлиги ранг жиҳатларининг аниқлигига эмас, балки ранг ёрқинлиги ва рангнинг кучи бўйича муносабатларни тўғри берилишига боғлиқ. Ранг туси ва ранг кучи бўйича нотўғри танланган ранг муносабатлари маконий тасвирда чалкашликка олиб келади. Бу айниқса тасвирланаётган нарсанинг моддий хусусиятларини тасвирлашга салбий таъсир қилади.

Ранг муносабатлари усули билан асар яратиш жараёнини мусиқа оҳангини тузилиши билан таққослаш мумкин. Унда ҳам ягона товуш кўп нарсани ифодалай олмайди, аммо бошқа товушлар билан уйғунлашиб тегишли мусиқа оҳангини ҳосил қилади. Товушларнинг ўзаро алоқаси бузилса, мусиқа ҳам бузилади.

Рангтасвир ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Ранг ва тус муносабатларини табиатда қандай бўлса, шундай тарзда бериш шарт эмас. Аммо энг ёруғдан, энг қоронғу ранглар жилоси сари нисбий муносабатга амал қилиш зарур. Акс ҳолда рангтасвир яхлит тасаввур уйғотмайди. Портретда натура муносабатларига номутаносиб олинган ранг диссонанс (ранглар уйғунлигида пала – партиш) ҳиссини уйғотади.

## **РАНГ БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА РАССОМ ҚОБИЛИЯТИ**

Агар талаба натурада ранг ва ранг – тус муносабатларини кўра олса, ҳали у яхши асар ярата олади деган гап эмас. У маҳорат билан айрим ашёларнинг ёруғ – тусидан нусха олиши, уларнинг ҳажмини ҳам бериши мумкин, аммо маконнинг моддийлиги, ёритилиш ҳолатини бера олмайди.

Реалистик рангтасвир маҳоратини эгаллаш учун унинг икки асосий хусусияти моҳиятини тушуниб олиш зарур. Шундагина ёш рассом ихтисосликни яхши



эгаллайди ва унинг ҳар иши такомилга эришиб бораверади.

Биринчи хусусият шундаки, натурадан рангтасвир, унинг хажмий, маконий ва моддий сифатлари табиатнинг рангин муносабатларини нигоҳий образларга мутаносиб ўтказиш, ранглар ўйинидан иборат бўлади. Этюддаги берилаётган ранг муносабатларини моҳияти нигоҳ билан қабул қилинаётган муносабатлар моҳиятидан келиб чиқади. Зеро этюднинг ранг муносабатларини тузилиши, ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолатини ҳисобга олиб амалга оширилади. Муносабатлар билан ишлаш методи рангтасвир таълимининг асосий қонуни ҳисобланади.

Иккинчи хусусияти шундаки, натура ашёлари ранг муносабатлари уларни яхлит идрок этишни чоғиштириш билан белгиланади. Натуранинг ранг муносабатларини яхлит кўришга эришмай, унинг тасвири тўла равишда бўлмайди. Айнан шу икки хусусиятларга эришиш натижасида тасвирнинг тўлақонли, таъсирчан ранглар муносабатини яратиш мумкин.

Таълимнинг дастлабки пайтиданоқ муносабатлар методи билан ишлаш зарур. Ҳар бир рангини айнан ва бошқалардан ажратиб нусхалаш мумкин эмас. Бундай нусха кўчиришда рангларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг фарқини билиб бўлмайди. Бундай нусха олиш натижасида жонли нигоҳ тасаввуридан йироқ бўлган тасвир ҳосил бўлади. Этюддаги барча бўёқлар бир — бирига нисбатан олинади. Рангтасвирдаги ранглар атроф — муҳит билан солиштириш асосида топилади ва улар пропорционал муносабатларда тасвирланиши мумкин.

## **РАНГТАСВИРДА МУТАНОСИБЛИК (ПРОПОРЦИЯ)**

Муносабатлар қонуни — бу рассомларнинг кашфиёти эмас. Муносабатлар қонуни — бу атроф — муҳит, унинг шакли, рангини ва борлиқни нигоҳ билан идрок этиш физиологияси ва психологияси қонунидир ва

у фақат натурани эмас, балки чизматасвирни, тусли ва рангли тасвирни идрок этишда рассом тасаввурида (тегишли тарзда) намоён бўлади.

Атрофимиздаги нарсалар фақат конструктив қурилмаси билангина эмас, балки ўзининг мутаносиблиги билан кўз олдимизда намоён бўлади. Мутаносиблик — бу катталиклар (ўлчамлар) муносабатидир. Биз «баланд уй ёки паст қурилма», «озгин ёки семиз одам» деганимизда ўлчам нисбатлари, характери мутаносиблик хусусиятини назарда тутамиз.

Турмушдаги барча ашёлар баландлиги, эни, катталиги жиҳатдан бир—биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам натюрморт, портрет, инсон танаси кабилар тасвирланаётганда улар бир—бирига нисбатан олинади. Хусусан, портрет санъатида юз, бош ва тананинг умумий мутаносиби, ўлчамлар нисбати, хусусиятларига эътибор берилади. Натурани кўра олиш ва ундаги катталикларни мутаносиб равишда юзада ифодалаш рассомнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шундай қилиб тасвирдаги ҳар бир ашёнинг ўлчамлар нисбати мутаносиблиги қоғозда тўғри жойлаштирилса тамошабин ҳар бир нарсани таниб олади. Негаки унинг тафаккурида ана шу нарса ҳақидаги тасаввур аввалдан шаклланган.

Маълумки рассом ҳар бир нарсани табиий катталигида тасвирлаши шарт эмас. Тасвирда уларнинг ўлчамлар нисбати мутаносиблигини бериш кифоя қилади. Инсон бошини 2—3 марта катта ёки 20—30 марта кичрайтирилган ҳолда тасвирлаш мумкин. Телевизор экранда барча нарса бир неча баробар кичрайтирилган бўлса, киноэкранда катталаштирилган бўлади. Аммо ҳар иккала ҳолатда ҳам тасвирлар ҳаққоний идрок этилади.

Биз учун одатий бўлиб қолган воқеликдаги шакл ва объектларнинг ўлчамлар нисбати бузилса ҳаққоний тасвирга эга бўлмаймиз. Агар 10 марта кичрайтирилган уй олдидаги одамни суратга олинса, у ниҳоятда катта

кўринади, ичкаридаги ашёлар ўлчами каттайтирилса одам лилипутга ўхшаб қолади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, нарсаларни табиий ҳолатдан чиза туриб уларни айнан табиий катталигида тасвирлаш шарт эмас, фақат қоғозда катталик бир — бирига нисбатан тўғри бериш кифоя қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, буюм ва шакллар бир нуқтадан туриб қаралгандаги, яъни перспективадаги ўлчамлари нисбатини сақлаган ҳолда тасвирлашни назарда тутмоқ керак.

Одатда шакллар ўлчами тасвирланаётганда, асли(натура ҳақиқий ўлчами)нинг ўлчамидан кичикроқ тасвирланади. Шунинг учун шакллар гуруҳининг умумий ўлчам бирлигини танлаш вазифаси туради. Ана шунда буюм ва шаклларнинг ўлчамлари нисбати бир — бирига мос келиб, тасвир ҳаққоний ўхшаши мумкин. Ўлчам нисбати муносабатлари идрок қилиш қонуни фақат чизматасвирда эмас, балки рангтасвирда ранг ва тус нисбат муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. (6,7 — расмлар)

## **УМУМИЙ РАНГ ВА ТУС(ТОН)ЛАР ҲОЛАТИ**

Ранглар муносабатларини қанчалик тўғри топилишига қарамай, тасвир ҳаққоний бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун унинг колоритини, ранглар ҳолатини ва ранглар равшанлигини, уларнинг бир — бирига, об — ҳавонинг ёки куннинг ҳар хил вақти тасвирланган рассом картиналарини кўриб чиқайлик. Биз бунда қуёшли кун тасвирида рангларни равшанлигини, бўёқлар ёрқинлигини (тўйғинлигини) кўрамиз.

Булутли кун, қуёш чиқиши ёки қуёш ботиши тасвирланган ҳолатларда эса аксинча ранглар равшанлиги паст, ранглар қуюқлашган оғир ҳолатларини кузатиш мумкин(9,10 — расмлар). Булар рассом томонидан табиат манзараларида ёруғлик ҳолатини ҳаққоний тасвирлаганлигидир. Чарақлаб турган қуёш

нуридаги манзара эрталабки ёки кечки пайтдагидан ранглар туси албатта ёрқиндир. қоронғиликда ҳамма буюмлар тўқлашади, ўзаро ёрқин ва қора контрастlilik камаяди. Булутли кунларида эса ёруғлик ва соя ўртасида кескин фарқ бўлмайди.

Реалистик рангтасвирда ташқи ечимни ёритилиш ҳолатини акс эттиришни билиш керак. Куннинг ҳар хил вақтида ёки ҳар хил об—ҳавода акс эттирилган манзара картинаси бир—биридан фарқ қилиши керак. Шунингдек эрталаб, кечқурун ёки куз, қиш ва ёз тасвирланган манзаралар ҳам ўзаро мувофиқ келмайди.

Суриковнинг «Эрталаб ўқчининг жазоси» картинасида ранг колорити, ранг туси, бўёқ равшанлиги пасайтирилганлигини кўрамыз. У қорамтир бўёқларда ишланган. Картинадаги ўқчининг оқ кўйлагига оқ қоғозни солиштириб кўрсак, кўйлак оқ рангда эмас, балки хира — кулранг эканлигини кўрамыз.

Аммо у картинада оқ бўлиб кўринади. қолган жойлари: қўл, юз, кийим ранги—ҳаммаси қорамтир ва тўқ бўёқларда тасвирланган. Эрталабки паст ёруғлик шароитида ҳамма буюмлар ва ташқи олам хиралашиб кўринади. Агар бундай манзарали картинага ёрқин ранг қўйилса, у бошқа бўёқлар ранги билан боғланмаслиги мумкин.

Агар қиёфадан ёруғлик манбаини аста—секин узоқлаштирсак, ёритилган ва сояли кўринишлар хиралашётганини кўрамыз.

Қуёшли кун манзарадаги ёруғлик ва соя контраст кучли фарқ қилса, булутли кун эса аксинча.

Ёруғлик кучи ўзгаришига қараб буюм умумий равшанлигигина эмас, балки унинг ранги ҳам ўзгаради. Ёруғлик пасайганда буюмнинг ранг ёрқинлиги (кучи) ҳам пасаяди. Булутли кун кўкатлар ранги қуёшли кунга қараганда ёрқинлиги паст. Шимол манзараларида жанубга нисбатан ранглар жилоласи, ёрқинлиги ҳам пастдир. Буюмдаги энг оқ қисмини энг оқ бўёқ билан, энг ёрқин рангли жойини— ёрқин тўйинган бўёқларда ишлаш шарт эмас.

Ранглар муносабатлари (нисбати), умумий туси ва ранглар ҳолати тўғри топилган санъат асарини яхши рангтасвир дейишимиз мумкин.

Аслига қараб ранглар ҳолатини ва умумий оҳангини, ранглар муносабатларини пропорционал миқдорини тўғри топиш учун, энг аввало, ранглар тусини ва ранглар нисбатини аниқлаш керак. (6 — расм)

Иш бошида энг ёруғ ва энг тўйғин ранг қисмини аниқлаб олиш керак. қайси ранг гаммаси тузишни, қайси ранг тўйғинлиги, ранг оч ёки қоралиги даражаларини аниқлаш лозим.

Рангтасвир ишлашни бошлаганда тус (тон)ни ҳаддан ташқари оқиш рангда ёки ўта тўйинган рангларда бўяш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, ёритилган қомат ёки бошни олайлик, ёруғлик тушган қисмини ўта ёрқин рангда ишланса, кейинчалик шу жойдаги ялтироқ жойларини тасвирлаш жуда қийин бўлади.

Шакл тасвири мато текислигидан чиқиб қовушмаслиги, асар яққоллиги амалга ошмайди. Ўта рангдорлик даражаси ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Асли (натура) га қараб чизилаётган нарсаларнинг умумий тусини ва ранг ҳолатини аниқлаш мақсадида баъзи рассомлар мольберт ёнига оқ ёки рангли мато бўлакчасини осиб қўйишади. У энг ёруғ ва тўйғин рангни натура билан таққослаб аниқлашга ёрдам беради.

Манзара тасвирини ишлашда умумий тус ва ранг ҳолатини тўғри танлаш лозим. Энг аввало осмон, сув ва ернинг ранг нисбатини ҳал қилмоқ керак. Умумий тус ва ранг инобатга олинмаса, манзаранинг асосий ҳолати, кайфияти тасвири амалга ошмайди.

Рассом ҳар бир расмида ёритилиш ҳолатини аниқлаши керак. Анашундагина тасвир ҳаққоний чиқиши мумкин. (3,4,13,14 — расмлар)

Нафис тасвирий санъатда материалликни ва фазодаги ўрнини тасвирлаш ёритилиш ҳолатига боғлиқдир.

Агар нарсаларнинг тус жиҳатдан фарқлари тасвир юзасида натурадагига мутаносиб берилган бўлса (оқ

буюм оқ кўринса ва ҳ.к.) биз буюм тусини ва рангини, шунингдек у билан боғлиқ муҳитни ҳаққоний идрок этамиз.

Кун давомида ёруғлик кучи турлича бўлади, аммо барча шароитда маълум бир юзанинг идрок этилаётган ёруғлиги ўзгаришсиз қолаверади. қоғоз варағини ҳар қандай шароитда эрталаб, кундузи, кечқурун биз оқ рангда кўраверамиз. Шунга кўра бизнинг нигоҳий тасаввуримиз ёрқинлик муносабати билан белгиланади. Агар тасвир ёки этюдда ёрқинлик муносабати сақланган бўлса, тасвир ўзгаришсиз ва ҳаққоний кўринади. Буюмларнинг ҳақиқий ранги ҳам, уларни маконда жойлашуви ҳам ҳаққоний тасвирлаб берилади.

Нигоҳий идрокнинг бу қонунияти тус ёки рангли тасвирни бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Агар шаклларнинг тус фарқлари нигоҳий натурага мутаносиб муносабатларда тасвирланган бўлса, тасвир юзада уларнинг тус ва ранг хусусияти натурага нисбатан ҳаққоний тарзда сақланади. Гризайл усулида натурадан ишлаш, тусли чизматасвир ёки рангтасвир бажарилиш пайтида тасвир юзасида тусларни ёруғдан сояга ўтиш жиҳати шундай бўлиши керакки, натурадаги энг ёруғ жой чизматасвирда ҳам энг ёруғ, энг қоронғу жойи эса қоронғу бўлиши зарур. Оралиқ туслар эса ўшаларга нисбатан кучлироқ ёки кучсизроқ тарзда тасвирлаб борилади.

Леонардо Да Винчи шундай ёзади: «...Агар сен рассом бўлсанг, яхши чизишга ўрганишни хоҳласанг, аста – секин чизишни, расм солишни ўрган, қандай ранглар ва улар ёруғликнинг биринчи даражасида қанчалик эканлигига баҳолаб бор ва туснинг ҳам қуюқлигини кузат» .

Хулоса қилиб айтиш керакки, тусли тасвир (гризайлда ишланган чизматасвир ва рангтасвир) ёруғлик – соя муносабатларини тузилишга, натурани нигоҳий образ нисбатларига асосланади. Энг ёруғ ва энг қорамтир қисмларини тасвирлаётганда уларнинг бир –

биридан қанчалик оч ёки тўқ ранг нисбатларини натурага нисбатан сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

## **ЁРИТИЛГАНЛИКНИНГ УМУМИЙ ТУСИ ВА РАНГЛАР ҲОЛАТИ**

Юқорида ранглارнинг нигоҳий идрок этиш ёритилганликдан қатъий назар муносабатларга асосланиши ҳақида гапирилган эди. Аммо ёруғликни кучли ўзгариши билан тус ва рангни ёрқинлашуви ёки кучсизлашувини кузатиш мумкин. Ёруғликни ўзгариши билан натуранинг фақат ёритилганлиги эмас, балки ранги ҳам ўзгаради. Кучсиз ёритилганда натура рангининг тўйинганлиги камаяди. Хонада натуралар деразадан узоқлашган сайин ранги қуюқлашади. Кундузги ёруғлик билан қарама—қарши ёритилган жойлар қуюқ илиқ соя билан ёнма—ён бўлади. Шундай қилиб натурадаги рангнинг турфа хиллиги ёритилганликнинг ёруғлик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Реалистик рангтасвирда табиатнинг ёритилганлик ҳолатини ифодалай олиш муҳим ҳисобланади. Натуранинг маълум бир соатдаги ёки маълум бир фасл, об—ҳаводаги умумий туси ва рангдорлиги шу вақтга хос бўлади. Куннинг турли пайтида ва турли об—ҳавода ёки фаслда ишланган манзаралар бир—биридан фарқ қилиши зарур. Етук рассомларнинг турли ёритилганлик ҳолатидаги асарлари кузатиладиган бўлса, уларда ҳаво очиқ ёки булутли кунни ифодаловчи тасвирлари ажралиб туради. Рангнинг қуюқлиги ёки ёрқинлиги вазиятнинг нозик ёки қалтислиги, қаҳрамоннинг кайфиятини ифодалашга хизмат қилади.

Турли ёруғлик манбаида рассомлар ишлаган асарларни кузатганимизда, қуёш ботиш саҳнаси барча тасвирларда умумий пушти—қизил рангга эгаллигини кузатиш мумкин. Ой ёруғида яшил—кўк, кул ранг бўёқлар асосий ўрин эгаллайди.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ранг бирлиги ва бўёқлар мувофиқлиги барча

ҳолатларда асосий ёки акс этаётган ёруғлик манбаининг спектрал таркибига боғлиқ. Шунинг учун рассом натурадан асар ишлаётганда маълум бир тус ва ранг қамровида умумий ранглар муносабатини тиклабгина қолмасдан, ранглар узвийлигини ёддан чиқармаслиги лозим.

Шундай қилиб реалистик рангтасвирда ранг тасвирининг барча жиҳатлари ўзаро алоқада намоён бўлади. Рангларнинг бойлиги ва мувофиқлиги унинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Этюд ёки картина ранги қуйидагилар билан белгиланади: 1) ҳажм — ни шакли беришда ва маконни ифодалашда рангларнинг бойлиги ва хилма — хиллиги; 2) ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда натурада асосий ранг муносабатларини мувофиқлиги; 3) натурадаги рангларни бирлаштирувчи ёруғлик ранги таъсирини бериш.

Асарда бу вазифаларни бажариш бадиийлик вазифасини ҳал этиш билан баробардир, шунда рангнинг эмоционал таъсирчанлигига эришилади. Кишиларнинг идрок қилиш хиссиётлари, сезгилар ҳаракати табиатнинг кўтаринки, ҳам тушқин ҳолати билан узвий боғлиқ. Ёритилганликнинг ҳақиқий шароитини акс эттириб, бу шароитда натуранинг ҳажмий, моддий, маконий сифатларини талқин этиб тасвирнинг ранг қурилмаси тамошабин хиссига таъсир қилади, маълум бир кайфият беради, эстетик хиссиётлар уйғотади.

## **НИГОҲИЙ ИДРОКНИНГ ЯРАТИЛИШИ**

Рангтасвир санъатида кўриш қобилиятини мутахассисларча йўлга қўйиш муаммоси муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидланганидек, рангтасвирда портрет бажариш, ранг муносабатлари натурада ранг тури, туси ва ранг тўйинганлиги каби уч хусусиятни қиёслаш орқали белгиланади. Бу уч хислат ҳар қандай рангнинг тўла хусусиятини ифодаловчи асос ҳисобланади. Аммо портрет қисмларининг ранг муносабатларини белгилаш





1- расм




2- расм



3- расм




4- расм



5- расм



6- расм



7- расм



8- расм



9- расм



10- расм



11- расм




12- расм



13- расм



14- расм



15- расм



уларни кўзимиз кетма—кет кўрганлиги сабабли ҳам мураккаблашиб қолади.

Агар иш жараёнида биз нигоҳимизни портретдаги биргина қисмидан бирига кейин эса бошқасига ўтказсак ва уларни бир—бири билан таққослаб умумлаштирмасак ҳақиқий нигоҳқий образни кўрмаймиз, ранг муносабатларини тўғри белгилай олмаймиз. Ҳар бир детал ўзича тўғри тасвирланган бўлсада, бунда рангтасвир маҳорати кўринмайди, улар орасидаги боғлқлик сезилмайди.

Натуранинг тус ва ранг муносабатларини тўғри белгилаш учун натурага яхлит нигоҳ ташлашни ўрганиш зарур. Масалан, деразада турган гулдастани ифодалаш учун очиқ турган дераза, унинг ортидаги кўриниш барчасини нигоҳан қамраб олиш керак бўлади.

Тасвирнинг ҳар бир бўлаги ишланаётган пайтда ҳам натура гуруҳи ёки бутун натурани яхлит кўришга интилиш лозим. Фақат яхлит кўриш чоғидагина натурадаги ранг муносабатларини тўғри идрок этиш ва тасвирлаш мумкин. XVIII аср инглиз рассоми Д.Рейнольде шундай ёзади: «Рассом натурани яхлит кўра олмас экан, уни на чизматасвирда, на ранг, на ҳажмда тасвирини моҳирлик билан бера олади».

Натурани яхлит кўриш ва бир пайтда барча қисмларни қиёслаб олиш қобилиятини ҳосил қилиш—рангтасвир таълимининг муҳим вазифасидир. Агар ёш рассом бундай махсус кўникмага эга бўлмас экан, унга бериладиган кейинги таълим ижобий натижа бермайди.

Айнан яхлит кўриш ва ранглар муносабатлари билан ишлаш қобилияти ҳақиқий рассомни ҳаваскордан ажратиб туради.

Натурага кенг ва яхлит қараш учун рассомлар қуйидаги амалий усулларни ишлаб чиққан: барча жиҳатни назардан қочирмаслик; кузатиш чоғида барча натурага кўзни қисиб қараш. Кўз қисилганда кўзга тушаётган ёруғлик миқдори камаяди. Натижада оқшом пайтидаги каби иккинчи даражали нарсалар нигоҳдан нари қилинади.

Ранг муносабатларини тўғри баҳолаш учун оддий рамкадан фойдаланиш мумкин. Натуранинг кўринадиган қисмини рамкага олиб, уни яхлит кўриш мумкин. Шунингдек картондан тўғри тўртбурчак тешик ҳосил қилиб ундан натурага қараш мумкин. Бунда натурага тешик орқали қараганда худди қоғозда акс этгандек тешик юзаси проекциясида кўриш керак. Оддий қарашда буюмлар гуруҳи кўрилган бўлса, энди улар рангли расмга айланади. Натуранинг асосий ранг муносабатларидан иборат яхлит рангтасвир образи ҳосил бўлади.

### **ТАСВИР БУТУНЛИГИ ВА КОМПОЗИЦИЯ МАРКАЗИ**

Яхши ишланган шакли, тугал этюд ишлаш ва тасвирнинг яхлитлигини сақлаб қолиш—ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу вазифани ёш рассом дарҳол бажариши қийин. Одатда ёш рассом этюдида турли маконий ўринларда жойлашган натура қисмлари, ранг ва тус суртамлари бир хилдаги кўринишда тасвирланади. Олд ва орқа пландаги натуралар бир пайтда кўзга ташланади, бутун этюдни бузиб туради. Буларнинг барчаси натурани яхлит тарзда кўриш, умумлаштириш, композиция марказини белгилай олиш қобилиятини йўқлигидан келиб чиқади.

Тасвирнинг бутунлиги ва яхлитлиги бу кўриш умумийлигининг натижасигина бўлиб қолмасдан, балки мақсадга мувофиқ равишда энг муҳим композиция марказини белгилай олиш қобилияти ҳамдир. Рангтасвир этюдининг композицион бутунлиги бош ва иккинчи даражали қисмларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Энг муҳим қисм одатда асар юзасининг оптик маркази яқинида жойлашади. Уни ажратишда рассом қисмларни умумлаштиради, натуралар композицион марказидан узоқлашаётган тус ва ранг кучсизлантирилади, бош жиҳатга барча тус ва ранг муносабатлари бўйсундирилади. Буларнинг барчаси тамошабин нигоҳини асарнинг композицион марказига йўналтириш имконини беради.

Маълумки кўрилатган объектнинг нигоҳий образи танлаш ва умумлаштириш натижасида вужудга келади. Инсон бир гуруҳ буюмга нигоҳ ташлаганда бирор – бир нарсга алоҳида ажралиб кўринади, қолган ашёлар хира тортади бу нигоҳ марказининг ҳосил бўлишидир. Нигоҳий образнинг марказий қисми энг кучли ёруғлик ва ранг контрастига эга. Рассом нигоҳий идрокнинг иккинчи даражали қисмларини кўринишдек хусусиятини ҳисобга олиши зарур.

Сюжетли асарларнинг яхлитлиги ҳам тасвирланаётган буюмлар ва объектларни композиция марказига бўйсундириб яратилади. Рўй бераётган ҳолат мантиқи, персонажларнинг психологик ўзаро алоқаси тасвирнинг умумий яхлитлигини яратишда қатнашади. Кўриш нуқтаси, симметрия ва оҳанг, тус ва ранг тафовутлари, чизиш усуллари, мато катталиги ва шакли сингари композиция тузилманинг расмий жиҳатлари шуларга хизмат қилади. (11 – расм)

Натурани тасвирлаш чизигидаги ноаниқликдан қутилиш, композиция марказини ажратиб олиш вазифаси асосидаги тасвирни аниқ ташкил этишга эришиш учун 3–5 буюмдан иборат учта вариантдаги натура ишлаш таклиф этилади.

## **ТАСВИРЛАШДА РАНГЛАР МУЖАССАМЛИГИ**

Картина колорити ҳаққонийлиги, умумий тус ва ранг ҳолатини аниқлашда натура рангига ёруғлик рангининг таъсирини ҳам назарда тутиш керак.

Ёруғлик манбаи нурларининг ранги буюмлар рангига маълум миқдорда ўз таъсирини ўтказди. Иссиқ қуёш нури буюмлар ёритилган қисмларини бирлаштиради. Хона муҳити ёруғлиги девордан таралган акс нурлари, шунингдек бошқа буюмлардан ҳам ўзаро таралган нурлар орқали буюм ранглари бир – бирига яқинлашади.

Кечки сунъий ёруғлик нурида нарсалар ранги сарғиш – зарғалдоқ кўринади. Эрталаб тилласимон –

бинафша тусда, кечкурун сариқ — зарғалдоқ, булутли кунда кумушсимон рангда кўринади. Ойдин кечада эса, яшилсимон, нилоби — кулранг кўриниш касб этади.

Натура ранги қандай бўлишига қарамасдан, ёруғлик ранги ҳар доим ўз таъсирини кўрсатади. Колоритни аниқлашда ранглар бирлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Табиатда ҳамма буюмлар ўз рангига эга бўлсада, улар бир — бири билан узвий боғлиқдир. Тасвирлашда умумий ранглар ҳолатини эътиборга олмасдан битта ҳам ранг қўйиш мумкин эмас. Буюм ранги ёруғликда ёки сояда бўлишидан қатъий назар умумий ранг — ҳолатига боғлиқ. Умумий колорит оҳангига боғланмаган ранг бегона, тасодиф, у ранглар бирлигини, яхлитлигини бузади, бошқа ранглар билан уйғунлашмайди.

Баъзи рассомлар колорит бирлигига эришиш мақсадида қандайдир ранг туси берилган фондан фойдаланадилар. Бунинг учун олдиндан қоғоз ёки мато (холст)ни бирон рангга бўяб оладилар. Бу усулдан XVIII аср рассомлари Рокотов ва Левицкий фойдаланганлар. Рубенс иссиқ рангли фондан фойдаланган. Рембранд эса тўқ — кулранг, Тициан — совуқ — кумушсимон фонда ишланган. Шундай сунъий йўл билан картина колоритида ранг умумийлигига эришганлар. Агар бўёқлар қалин қўйилган бўлса, фон ҳам натижа бермаслиги мумкин. Шунинг учун ўта кўринадиган бўёқларда бўялганда ҳам тагидаги ранг бироз кўриниб турса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шундагина ёруғ жойларга қўйилган ранг ҳам бошқа жойлари билан боғланиб тасвир рангини бир — бири билан умумлаштиради.

Колорит — картинада ранглар туси ва ранглар ёрқинлик ҳолати ўзаро бирлиги мужассамлигидир. Табиатда буюмлар ранги мутоносиблиги камдан — кам учрайди.

## БЎЁҚ РАНГИНИНГ КУЧИ

Матода инсон портретини тасвирлаётган рассом шу киши характериға мос ранг кучини ҳар доим ҳам бераолмаслиғи мумкин. Натуранинг ранг кучини аниқлаш бизни рангни идрок қилиш қобилиятимизға боғлиқ.

Инсон чеҳрасиға қараганимизда, унинг ҳақиқий рангини атроф – муҳит, яъни ёруғлик таъсири, масофа таъсири кабиларда кўрамыз.

Кечқурун, ойдинда ва сунъий ёруғликда ранг сифати албатта ўзгаради. Ёруғлик ранги инсон чеҳраси атрофидаги ҳамма рангни ўзига бўйсундиради, натура рангини бироз кучайтиради. Масалан, электрнинг зарғалдоқ нурида оқ рангли мато оқ бўлиб кўринади. Аммо унинг иссиқ ранги унчалик эмас. Ҳақиқатда мато оқ ранг таралиш миқдори катта эмас.

Электр ёруғлигидаги оқ мато зарғалдоқ ранг тарқатиши, апельсиннинг кундуз кунини тарқатаётган рангидан кучлидир. Агар бу оқ матони кечқурун ёки электр ёруғлигида тасвирламоқчи бўлсак, уни албатта ёрқин ва тўқ рангда оқ бўёқ аралаштирмасдан тасвирлаш керак. Биз ишлаётган портрет ранг гаммасида оқ бўёқни кўп ишлатсак унинг табиий колоритини аниқлай олмаймиз.

Суриковнинг «Меншиков Березовкада» картинасида ранг гаммаси ҳамжиҳатлилигини, яққоллигини кўрамыз. Картинанинг барча қисмлари ёруғлик шартларига бўйсундирилган. Оқ бўёқ ишлатилганини сезмаймиз.

Колорит ҳар доим ҳам ранг кучи асосига қурилмай, балки нейтрал ранглар, ранг туси ва натура ранглари муносабати асосида қурилиши ҳам мумкин. Бу ҳолат Серов ва бошқа рус реалист рассомлар асарларида акс этган. Чарақлаган қуёш нурида натура ранги оқариб, улар орасидаги фарқ даражаси камаёди ёки йўқолади. Булардан ҳам рассом тасвирни ҳаққоний ва жозибали чиқишида маҳорат билан фойдаланиши мумкин.

Баъзи рассомлар нафис тасвирий санъатда ранг ёрқинлигини ёки бўёқлар чарақлаб туришини хуш кўрсалар, баъзилари оқиш — хира ва унча кучли бўлмаган рангларни маъқул кўрадилар. Аммо, ёрқинлик, бўёқ кучи, оқиш — хиралик колорит қимматини оширмайди. Ҳақиқий колорит маълум ёруғликда натура рангини тасвирлаш, табиат ҳолатини ва образни очиб бериш билан боғлаш рассом учун муҳимдир.

## **РАНГТАСВИРДА ИССИҚ–СОВУҚ РАНГЛАР**

Рангтасвирдаги ранглар гармониясини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шу жумладан портретда иссиқ (сарғиш, қизил, зарғалдоқ) ва совуқ (яшил, кўк, нилоби) ранглар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Картинада иссиқ ва совуқ ранглар қарама — қарши келиши табиатдаги ёруғлик ва соя рангларга асосланади. Табиатда ёруғлик совуқ рангда бўлса, соя иссиқ рангда бўлади ва аксинча. Иссиқ ва совуқ ранглар ёнма — ён туриши текис ёритилган юзада ёки хира текисликда ҳам бўлиши мумкин.

Бирон ранг ёки ранг бўлакчани кузатганимизда ранг контрасти қонуниятини асосида унинг чегарасида қарама — қарши ранг ҳосил бўлади. Контраст ранг сезгидан ташқари ёруғлик нури таъсирида ҳам ҳосил бўлади. Яъни, қуёшли қиш куни қор сояси кўк рангидан, осмон рефлекси, сарғиш — зарғалдоқ қуёш нури билан ёритилган қор ранги контрастини (кўк) ҳосил қилади. Ёз кунлари сояларнинг ёрқин кўк — нилоби ва бинафша рангларда кўриниши ҳам контраст ранг тасаввурини ҳосил қилади. (8 — расм)

Рассом буюмларнинг ҳар хил рефлексларини тасвирлашдан ташқари, холст юзасида ёруғлик ва соя жойларида ҳам иссиқ, совуқ ранглар жилосини акс эттиради. Буларга эътибор бермаслик ранглар муносабатини сохталаштиришга олиб келади, табиий идрок қилишимизга салбий таъсир қилади. Ёруғлик ва соя қисмларида иссиқ ва совуқ ранглар қарама —

қаршилиги нафис тасвирий маҳоратнинг зарур шартларидан биридир. У гармоник колорит ҳосил қилишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, бой ва ҳар хил ўзаро рефлекслар, умумий ёруғлик туси ва ранглар ҳолати, асосий ёруғлик манбаининг спектр туркуми таъсири, контраст рангларнинг ўзаро таъсири — кабилар нарсаларнинг жами рангини бирлаштиради, бир — бирига боғлайди ва яқинлаштиради.

Рангларнинг колористик асоси — бу ранглар бирлиги принциpidир. Картинадаги бўёқ ранглар бирлигига бўйсундирилмаса у доим ёрқинлиги билан ажралиб қолади, жами бўёқлар гаммасига бегона бўлиб қолади. Шунинг учун картина ёки этюдга бирон — бир ранг беришда бошқа ранглар колорити билан боғлаш муҳим. Умумий ранг оҳанги билан боғланмаган ранг холост сатҳидан чиқиб кетади, қўшилмайди, бегона бўлиб тасвирнинг умумий ранг тузилишини бузади. Картина ранг колоритини ҳал қилмаслик, картинани қисман бўлиниб кетишига, композиция ечимига салбий таъсир қилади. Маълум ёруғлик вақт ҳолатини кўрсатиб бермайди.

Колорит ва ранг муносабатлари қонуни, шаклни чизиқлар орқали пропорциялар бирлигида кўрсата билиш, унинг рельефини, материаллигини, фазовий маконини аниқлаш, ўраб олган жисмларга, ҳар хил вақтдаги ёруғлик ҳолати ва ҳар хил об — ҳаво шароитини сезиш кабилардан иборат бўлади.

## **РАНГ ЖИЛОДОРЛИГИ ВА ТУСЛАР НИСБАТИ**

Жисм ранги ва ёрқинлиги, унинг материаллигини ҳаққоний идрок қилишда картинадаги ранглар нисбати, жисмлардаги ранглар нисбатига маконда мос бўлишини тақозо қилади (яъни, оқни оқдек, қорани қорадек). Масалан, оқ рангдаги матони кундузи ҳам, кечқурун ҳам, булутли кунда ҳам, биздан узоқроқда турса ҳам оқ рангда кўрамиз. Бизнинг кўзимиз жисмларни ёрқинлик

нисбатларида аниқлайди. Агар картинада ёрқинлик нисбати сақланган бўлса, тасвир ҳаққоний бўлиб кўринади. Шаклнинг материаллиги ҳам ва фазодаги ўрни ҳам тўғри тасвирланади. Бу кўз орқали идрок этиш қонуни, ранг ва ранг туси билан тасвирлашда муҳим аҳамиятга эга. Натура рангининг туси (оҳанги) пропорционал фарқи тўғри тасвирланса, тасвир текислигидаги жисмлар ранги ва ранг туси, характеристикаси ҳаққонийлиги сақланиб қолинади. Натура билан ишлаётганда ёруғ (оқ) қисмидан қорамтир (тўқ) қисмларини жойлангандек ранглар нисбатида жойлашиши керак. Шунингдек оқдан қорагача бўлган оралиқ ранг туси нисбати ҳам сақланмоғи лозим. Мисол учун: ранг тайёрлаётган пайтда нима очроқ рангда нима тўқроқ рангдалигига қараш керак., Бир ранг иккинчи рангдан неча марта оч ёки тўқ рангдалигини аниқлаб картинага қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда ранг туси нисбати натурадаги ранг нисбатига пропорционал мос келиши лозим.

## **НАТУРАДАН РАНГТАСВИР ИШЛАШ ЖАРАЁНИ**

Натурадан рангтасвир асари ишлаш жараёни ўз қонун ва қоидаларига эга, ҳамда бу иш жараёнининг алоҳида тартиби бор. Тасвир жараёнининг кетма – кетлигини англаш асар ишлашдаги муваффақиятни таъминловчи муҳим шарт ҳисобланади. Иш бошида ва ўртасида нима қилишини, уни қандай яқунлашни ўрганиш лозим. Рангтасвир асари ишлаш пайтида қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади: 1) умумий тус ва ранг ҳолати доираси ва натура бўёқлари яқинлиги нуқтаи назарида тус ва ранг муносабатларини топиш; 2) катта ранг – тус муносабатлари доирасида ранг – тусларни «тортиш» ва аниқлаш; 3) бутун тасвир яхлитлигини умумлаштириш, композиция марказини ажратиб кўрсатиш.



Тўлақонли рангтасвир қурилмаси натуранинг асосий ранглари орасидаги тус ва ранг тафовутини аниқ талқини билан белгиланади. Бу натюрмортда натура ва фон асос, манзарада ер ва сув юзаси, олд, ўрта ва орқа план тўғри ифодаланишини таъминлайди. Чизматасвирда ҳам худди шунга ўхшаш вазифа бажарилади: дастлаб катта ва умумий шакл тузилади.

Рангтасвирда иш бошлашдан аввал натуранинг умумий ранги тузилмаси диққат билан ўрганилади. Бунга 5–10 минут вақт ажратиб, натуранинг асосий ранг муносабатларини тушуниш зарур бўлади.

Ранг нисбатларини аниқлашда, аввало натуранинг ёруғлиги ва рангининг ёрқин қисмларини, кейин энг қора (тўқ ранг) қисмини ва уларга нисбатан бошқа қисмларини аниқлаш керак. Сўнгра ўртача қора туси ва ранг кучи пастроқ қисми ва бошқалар аниқланади. Мураккаб кулранг тусли бўёқ охирида аниқланади.

Рангтасвир ишлай—бошлашда дарров рангини ўта ёрқин, ўта тўқ ва тўйинган рангларда бошлаш ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди. Энг ёруғ ва энг қора жойлари оқ ёки қора рангда бўлмаслиги мумкин. Ўта кучли тўйинган ёрқин ранг қисми ҳам учрайди. Шунинг учун бўёқда ишлашдан олдин умумий ранг оҳангини ва ранг кучини, ранглар муносабатини, оқ жойларини қайси оқ рангда ва тўқ жойларини қайси тўқ рангларда ишлашни ўйлаб кўриш лозим.

Ранг муносабатларини ва ёруғ—сояни аниқлашда катта текисликдан майда текисликка ўтиш керак. Масалан портретда юз қисми ва кийимлари умумий рангдан кўз, соч, лаб, шунингдек кастюм, кўйлак ёки шарф каби алоҳида қисмлар рангини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. қоматнинг фонга нисбатан ранг тусини аниқлаш ҳам муҳим, тўқ рангдаги соч неча баробар фон рангига нисбатан тўқроқ юз қисмининг ёруғ жойи, соя қисмига нисбатан неча баробар ёруғроқ ва бошқаларни фарқини аниқлаш керак. Шу йўсинда ҳамма қисмлари ишлансагина портрет мақсадга мувофиқ амалга

оширилиши мумкин ва портрет ҳаққоний чиқишига эришилади.

Рассомчиликда «катта ёруғлик», «катта соя», «катта шакл (қиёфа)», «катта ранг муносабати (нисбати)» каби сўзлар ишлатилади. Бу натурани яққол кўрабилишни ва яққол тасвирлашни белгилайди. Натуранинг ёритилган қисмининг ранг туси соя қисмидаги ранг—тусига ҳеч вақт ўхшамайди, тўғри келмайди. Шунингдек шахсий сояси билан ерга тушган соясининг туси (ёрқинлиги) орасидаги фарқ бир хил эмас. Соя қисмидаги рефлекс ярим соядан ёрқин (оч рангда), шахсий соя умумий тусига боғлангандир. Тўғри топилган шакл катта бўлакчалари туси ва ранги тасвирнинг яхлитлигини (бутунлигини) ва ёритилишнинг тўғрилигини ифодалайди. Катта пландаги ранг тусини аниқлагандан кейин, ёруғ соя қисмларини, яъни ҳар бир шаклни (натура қисмларини) алоҳида ёруғ—соя ва ранглари ёруғликда, яримсойда, шахсий соясида ва ерга тушган соясида тўғри аниқлаб тўла ўхшашлик берилади.

Ҳар қандай ёруғликда кўринган натура қисмлари ҳар хил ранг тусида бўлади. Бир қисми ёруғроқ, иккинчи қисми биздан узоқроқ бўлса албатта биринчисидан фарқ қилади. Шунингдек ярим соядаги ва соядаги ёнма—ён турган икки жисм албатта бир—биридан фарқ қилади, улар орасидаги тус ва ранг қандай бўлишини эътиборда тутиш керак. Иккита қисмини бир хил оқ ёки қора бўёқ аралаштириб ишлаш тўғри келмаслиги мумкин.

Ҳар бир қисмига алоҳида ранг тайёрлаб тегишли жойига қўйиш зарур. Иссиқ ранг бўлакчаси, ҳар доим совуқ ранг бўлакчасини талаб қилади ва аксинча. Масалан, жисм сирти зарғалдоқ рангда бўлса, унинг ёнида нилоби (голубой) ранг бўлиши зарур.

Тасвирда иссиқ ва совуқ ранг жиловаси бир—бирини тўлдириб, ранг жарангдорлигини оширади. Кўз олдимизда натуранинг табиийлигини таъминлайди.

Жисм рангларини бир—бири билан таққослаб, катта—катта бўлакчаларига солиштирилади. Жисм рангларини алоҳида кўриш, ёнидагиси билан

таққосламаслик колоритни бузилишига олиб келади. Рангларни таққослашда кулранг (серий)га эътибор бериш керак. Чунки кулранг иссиқ ранг ёнида совуқ ранг, совуқ ранг олдидан иссиқ ранг бўлиб кўриниши мумкин.

Агар қизил ранг билан кулрангни таққосласак совуқранг, кўк ранг ёнида эса иссиқ ранг бўлиб кўринади. Шунинг учун ранг тусини аниқлашда кулрангни кулранг билан, ёрқин рангни ёрқин ранг билан, қорамтир рангни қорамтир ранг билан таққослаш муҳим.

Тасвирланаётган жисмни контур (чегарал чизиғини ҳам таққослаш ўринлидир. Чунки у ҳамма жойларида ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи жойларда яхши, аниқ кўринса, баъзи жойларида хиралашиб кўриниши мумкин. Тушаётган соя чегаралари ҳам ҳар хил. Биринчига нисбатан учинчи пландаги жисм чегаралари хиралашиши аниқ.

Бўёқнинг ҳақиқий ранг кучини ва ёрқинлигини мато юзаси тўла бўялмагунча аниқлаш қийин. Палитрадаги ёрқин рангли бўёқ холстда ҳам ёрқин ранг дейишга эрта, у фақат холстдаги бошқа рангларга таққослаш натижасида аниқланади. Ёрқин рангли жисмни атрофидаги жисмлар ранги аниқланмагунча айтиш қийин.

Портретни ранглаш давомида унинг чизматасвири билан барча рельефини ва характерини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим. Портрет рангини умумлаштириш жараёнида натурани яхлит кўра билиш керак, яъни уни бир зумда кўриш ва таққослаш орқали мақсадга эришилади. Шунингдек натурани ва холстни яхлит кўрабилиш тасвирдаги ранг хатолигини аниқлаб умумлаштиришга ёрдам беради. Иш жараёнида яхлит кўра билиш рангтасвирчи—рассомчилик касбида энг муҳимдир. Бу маҳоратни яхши эгаллаган рассом натура образини тўғри акс эттириб, унда биринчи даражали қисмини, жисмлар ўрнини, тугалланиш даражасини, композиция марказига урғу беришни моҳирлик билан амалга оширилади.

Яхлитлик қонунларига амал қилмасдан, натурани чизматасвири (қаламтасвири)ни, рангтасвирини ҳосил қилиш мумкин эмас. Шакл ҳам, ранг ҳам, ўз — ўзидан барпо бўлмайди, у ҳар доим яхлитликнинг бир қисми бўлиб, таққослаш натижасидир.

Объектларда умумийликни топиб олиш рассомни натуранинг иккинчи даражали жиҳатларидан озод қилади, асосий тус ва ранг муносабатларини белгилаб олишга имкон беради.

Ранг муносабатларни ёрқин ва кўринарли рангдан бошланади, сўнгра энг қуюқ рангга ўтилади, қолганлари ўшаларга нисбатан белгилаб борилади. Мураккаб ранглар ва кулранг энг охирида қўйилади.

Дастлабки, бошланғич туслар ҳар доим ҳам ўта ёрқин ёки қуюқ бўлавермайди. Энг ёрқин жойини оқ рангда, қуюқ жойи қора рангда бўлиши шарт эмас. Ўта тўйинган ранглар ҳам кам учрайди.

Ёруғ — соя ва ранг муносабатларини топгач умумийликдан хусусийликка томон ҳаракат қилиш зарур. Дастлаб асосий объектлар орасидаги тус фарқлари тасвирда уларнинг турли қисмларига тегишли бўлган ранг муносабатлари топиб олинади.

Тасвирларга кейинги ишлов беришда натуранинг хусусиятини бўрттириб кўрсатувчи рангга таяниш тегишли натижани беради. Натурадан кам манқ қилган ёш рассомлар унга хос бўлган бўёқларнинг яқинлигини доим ҳам муваффақият билан бера олмайди. Натурадан ишлаш чоғида унинг ранг жиҳатларининг мувофиқлашувини тушуниш, тус ва ранг ҳолатини белгилай олиш зарур.

Деталнинг ва бутун натуранинг ҳажмий шакл хилма — хиллигини яхши тушуниб олиш учун инсон кўзи илиқ ранглар оғушида совуқ рангларни ҳам англаб олишни назарда тутиш зарур.

Илиқ ва совуқ рангларнинг мувофиқлашуви уларнинг тасвирдаги жарангдорлигини янада оширади, натуранинг табиийлигини таъминлайди.

Буюмларни ранг бўйича чоғиштиришда яна бир ҳолатни ҳисобга олиш зарур бўлади. Кетма-кет ранг тафовутлари кулранг рангнинг гоҳ илиқ, гоҳ совуқ кўриниши касб этади. Агар уни қизил ранг билан солиштирилса совуқ туюлади, кўк билан солиштирилса илиқ туюлади. Шунинг учун ранг хусусиятларини аниқлашда бир-бирига мос ранглар қиёс қиллиниши мақсадга мувофиқдир.

Тасвир – натураларни фақат рангига кўра эмас, балки чизиқларнинг аниқлиги билан ҳам белгиланади. Тасвирланаётган буюм ёки шаклларнинг чегараси доим ҳам аниқ бўлавермайди. Баъзан шакл чегараси белгиланган бўлади, баъзан эса фон билан уйқашиб кетади.

Иш жараёнида доим муносабатлар ёрдамида фикр юритиш лозим. Натураларни матодаги тасвири билангина эмас, уларни натурадаги кўриниши билан ҳам чоғиштириб бориш зарур бўлади. Олдинги планда жойлашган буюмлар орқадагига қараганда ёрқинроқ рангда бўлади.

Ёш рассом тасвирни олд пландан бошлагани мақсадга мувофиқ. Агар ранг беришни орқа пландан бошласа, олд планни ифодалашга бўёқнинг кучи етмай қолади.

Бутун мато (холст) юзаси бўёқ билан қопланмай ва муносабатлар тўғри олинмай туриб, бўёқ кучи ва тасвир натураларнинг моддийлигини ҳис қилиб бўлмайди. Негаки натураларнинг ёритилганлиги ва тасвирланаётган натуранинг сирти тўғри ранг муносабатларига боғлиқдир.

Тасвир ва ранг муносабатларини белгилаш чоғида фақат ранг доғлари билангина эмас, балки маълум шакл билан ишлаётганликни унутмаслик зарур. Агар ранг аниқ шакл, ашё ва нарсаларни мақошми жойлашувини ифодаламаса, у тасвирдаги моҳиятини йўқотади.

Иш сўнггида тасвирнинг айрим жойлари етарли рангдор бўлмаганлиги ёки ранг ва туси ортқича ёрқин рангли бўлиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатда қўлидаги

вазифалар ҳал этилади: нарсаларнинг қатъий чегараси юмшатилади, ашёларнинг рангдорлиги юмшатилади ёки кучайтирилади, тус бўйича қатъий жойлари ёриштилади.

Умумлаштириш босқичида натурани яхлит кўришга ҳаракат қилиш лозим. Буюмлар гуруҳи чаплагандек кўринади, лекин тусларнинг муносабатини, натуранинг яхлитлигини кўриш мумкин бўлади. Яхлит кўриш қобилияти ишни умумийликдан хусусийликка ва аксинча тарзда олиб боришга имкон беради.

## **НАТУРА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ТАСВИРИ**

Назария қанчалик чуқур ўрганилмасин, санъатнинг ҳар қандай турида маҳорат кўплаб, доимий машқлар натижасида эгалланади. Тасвирий таълимнинг назариясини билиш билангина қўл маҳоратини ошириш кўзни тарбиялаш, ёруғлик ва рангнинг поэтик мутаносиблиги ва мувофиқлигини кўра олиш мумкин эмас. Буларнинг барчасига расом амалий машқлар ёрдамида эришади.

Маҳоратнинг амалий кўникмаларини эгаллашдан ташқари тасвирий кузатувчанликни ривожлантириш ва доимий изланиш одатини ҳосил қилиш бадиий таълимнинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Фақат қисқа муддатли этюдларни доимий чизиш билан эътиборли ва кузатувчан бўлиш мумкин. Натурадан доимий ишлаш ҳам бўлажак ижодкорни тарбиялаш омили бўлади.

Чизматасвир ва рангтасвир бўйича амалий топшириқлар кўпинча кетма – кет бажарилмади. Талаба бир топшириқни бажармай, бошқасига уринади. Бундай қилиш мумкин эмас. Вазифа амалда бажарилмаса, уни ҳар қандай оғзаки талқини натижа бермайди. Доимий машқ қилиш, такрорлаш натижасидагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Аввалги бобда рангтасвир таълимининг назарий асослари ҳақида гап юритилган эди. Назарий билимларни мустаҳкамлаш, рангтасвир маҳоратини

эгаллаш, барча бўёқлар билан муваффақиятли ишлай олиш учун аниқ мисолларга мурожаат этиш зарур бўлади.

Натура устида узоқ муддатли амалий машқларга ўтишдан аввал қуйидагиларни бажариш лозим: 1) натурада ранг муносабатлари белгиланадиган хусусиятлар билан танишув; 2) натуранинг асосий ранг муносабатларини беришда қисқа муддатли этюдлар бажариш. Бу машқлар ёш рассомни моҳир рангтасвирчи бўлишга олиб келиши мумкин.

## РАНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биринчи навбатда бир буюмни бошқасидан ажратиб турадиган ранг туси сифати, ёруғлик ва тўйинганлиги сингари учта жиҳат билан танишиш зарур бўлади. Рангтасвирнинг ҳаққонийлиги рассом бу учта жиҳатни тўғри талқин эта олишига боғлиқдир.

Ёш рассом рангнинг туси, ранг сифати ёки ёруғлигига қараганда унинг тўйинганлигини фарқлаши қийинроқ бўлади. Шунинг учун улар табиатдаги ашёларнинг доимий рангини (масалан, дарахтнинг яшиллигини) тўғри ифодалашга қийналадилар. Ранг муносабатларини тўғри белгилаш учун ашёларнинг уч хусусиятига кўра қиёслаш зарур бўлади. Бунда натуранинг ёруғлиги ва тўйинганлигига эътибор берилади.

Рангнинг асосий хусусиятлари билан амалда танишиш учун уларни турли ашёларда (мева, сабзавот, матолар ваҳ.к) кўриш зарур.

Ранг, тус ва тўйинганлиги турлича бўлган ашёларни ўрганиш ва қиёслаш учун талабалар ранг шкаласини тузишлари лозим. Бунда бир рангни энг тўқидан бошлаб кулрангга томон туси камайтириб борилади.

Бу машқлардан ташқари табиий ёруғлик тушиб турган унча мураккаб бўлмаган натурадан чизги олинади. Бу машқнинг вазифаси шундаки, деярли бир хилдаги

доғлар кўринишида ашёлар орасидаги учта ранг хусусияти бўйича талқин этилади.

## РАНГТАСВИРДА ЭТЮДЛАР

Рангтасвир таълимининг дастлабки босқичларида ёш рассомлар натурадан майда — чуйда хусусиятларигача нусха олишга интилади. Натижада бир — бирига боғланмаган тасвир ҳосил бўлади. Хусусан, инсон бошини қош, кўз, бурун тасвиридан бошламаслик керак, балки умумийлик ва бутунликни мутаносибликда бериш лозим.

Очиқ ҳавода (пленэрда) рангтасвир бажаришга ўтишда кичик этюдлар чизилади ва энг аввало ундаги ранг муносабатлари топилади. Кичик этюдларда қисмларнинг тарқоқлиги йўқотилади, негаки рассом натурани айнан кўчирмайди. Дастлаб этюдлар учун унча мураккаб бўлмаган кўринишлар олинади, сўнгга тобора мураккаблаштириб борилаверади.

Қисқа муддатли этюдларни бажаришда турли мақсадлар кўзланиши мумкин. Биринчи ҳолатда этюд узоқ муддатли ишдан аввал бажарилади ва натуранинг ранг муносабатлари ўрганилади, ранг ҳақидаги дастлабки тасаввур шаклланади. Бошқасида шаклни қўшимча, аниқ ўрганиш (масалан, инсон қўли этюди) чун чизилади.

Ранг тузилиши яқдиллиги мувофиқлигини белгилаш учун ҳам этюд чизиш муҳимдир. Бу мақсадлар учун қандайдир ранг устунлик қилиши керак. Этюдлар учун ашёлар илиқ ва совуқ ранглар мувофиқлигида берилади.

Доимий машқ қилиб бориш охир оқибатда кузатувчанлик, рангни кўриш, тасвир воситаларини маҳорат билан қўллашга олиб келади. Натуранинг ҳар бир объекти бу яхлит рангтасвир асар қисмидир, унинг ранг жилоси унинг умумий идроки ва тасвирида вужудга келади.



## МОЙБЎЁҚ БИЛАН (АМАЛИЙ МАСЛАҲАТЛАР) ИШЛАШ

Мойбўёқда ҳам сувбўёқдаги каби узоқ муддатли ишлашга киришишдан аввал постановкадан унча катта бўлмаган этюд ишлаб олинади, композиция ва асосий ранг муносабатлари аниқланади. Бундан ташқари мойбўёқда ишлаш учун аввалдан чизматасвир иши ҳам бажарилади, бунда асосий шаклларгагина эътибор берилади, иккинчи даражали жиҳатлари тушириб қолдирилади. Аммо тасвирнинг композицион жойлашуви аниқ бўлиши лозим.

Мойбўёққа киришишдан аввал натурадаги ранглар фарқи диққат билан ўрганилади, ашёлар ранги қиёсланади. Ёритилганликнинг умумий тус ва ранг ҳолати аниқланади.

Иш жараёнида доим муносабатлар асосида фикрлаш лозим, ашёлар ранглари чоғиштирилади, ёруғлик ва соядаги рангларнинг хусусиятлари ўрганилади.

Чизматасвирдан сўнг мато юзасига енгил бўёқ берилади. Бунда асосий тус ва ранг муносабатлари белгилаб олинади.

Мойбўёқ жараёнида бир ашё устида тўхтаб қолиш ярамайди. Тез—тез ундан бунга ўтиб туриш керак. Ашёни етарли даражада ёритилганлигини кўриб талаба уни ёритишга киришиб кетади, аслида эса қўшни бўлган жойни қуюқлаштириш лозим бўлади.

Этюд<sup>1</sup> устида ишлаётганда ранг муносабатларини умумлашган ҳолда олиш зарур. Тасвир хона деворларидан акс этаётган ёруғлик билан ёритилади. Ёруғлик хусусияти хона деворларини қандай рангга бўялганлигига боғлиқ.

Йирик пландаги ёруғ—соя ва ранг муносабатлари топилгач, ҳар бир ашёнинг ёруғ — соясини шакллантиришга ўтилади. Ҳар бир ашё деярли бир хилда бўялгандек, барча ашёнинг ҳар томони бир хилда ёритилмайди, шунинг учун ранг бир хилда бўлиши

---

<sup>1</sup> Этюд — қисқа муддатда, бир йўла ишланган рангтасвир

мумкин эмас. Орқа матони ҳам ранг орқали барча буюкларини тўғри ифодалаш зарур бўлади.

Рангтасвири ишлаш чоғида барча ранг жиҳатларни кўздан қочирмаслик зарур. Албатта икки, уч ранг жиҳатларига эга бўлган ҳолатларни нигоҳан қамраб олиш қийин, аммо бу ранг жиҳатларини қиёслаб бориш учун зарур бўлади.

Натурадан ҳар қандай ишни яқунлагандан сўнг, уни умумлаштириш зарур. Етарли даражада ишланмаган ёки ортиқча ёруғ ёки қуюқлаштирилган жойлар юмшатилиши лозим бўлади. Айрим жойларнинг чегарасини белгилаш ва майда қисмларга ишлов бериш талаб қилинади.

1. Мойбўёқни аралаштириш. Мойбўёқ билан ишлаш жараёни ниҳоятда мураккаб ҳисобланади, бу айниқса сувбўёқдан ўтилганда сезилади. Сувбўёқда қоғознинг ранги аҳамиятли бўлса, мойбўёқда оқ мато юзасининг аҳамияти йўқ.

Табиатда етти хил ранг мавжуд: қизил, пушти, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк, бинафша. Асосий бўёқларни қўшиш орқали бошқа ранглар ҳосил қилинади.

Мойбўёққа оқ бўёқ қўшиш билан ёрқинлаштирилади. Шунинг учун рангтасвирчи асосий бўёқни оқлаш йўли билан бошқача ранг кўринишларига эга бўлишни билиши зарур.

Баъзан бўёқлар бир – бирига қўшилгач, ёрқинлигини йўқотади. Амалда оқ ва қора бўёқни тоза ҳолда қўллаб бўлмайди. қора рангни бошқа ранглар билан моҳирона аралаштириб нозик ранглар олиш мумкин.

Мойбўёқ билан ишлаш чоғида этюдникда беш хилдаги бўёқ бўлиши етарли ҳисобланади: белила, сариқ, кўк, қизил, қора. Бу беш бўёқдан табиатда мавжуд барча рангларни ҳосил қилиш мумкин.

2. Мойбўёқ билан фақат қуруқ ёки нам юзага ишланади, ярим нам юзага ишлаш мумкин эмас. қуримаган жойга бўёқ берилса, у рангини йўқотади. Бирон жой ўзгартирилиши керак бўлса, бўёқ пичоқ (мастихин) билан қириб олинади. Бўёқ қуриб қолган

бўлса, устидан картошка ёки саримсоқпиез сурилиб, сўнгра бошқа бўёқ берилади.

3. Бўёқни пала – партиш бериш мумкин эмас. Бу шаклни, маконни, ҳажмни бузилишига олиб келади. қуюқ берилган бўёқ асарни томошабинга яқинлаштиради, юпқа ва текис берилгани узоқлаштиради. Осмон тасвирида юпқа берилган бўёқ самарали бўлади. Бўёқ майдони катталиги этюд ёки сурат катталигига мос бўлиши зарур. Маҳобатли рангтасвирда ранг доғларини қамрови алоҳида аҳамиятга эга.

4. Рассом палитраси<sup>1</sup>. Палитрада бўёқларнинг ҳар бирининг ўзига мос жойи бўлиши лозим, шунда рассом эътиборини кўпроқ натурага ва матога қаратиши мумкин. Илик рангли бўёқлар одатда юқори қисмга жойлаштирилади, совуқ ранглилари пастроққа, белила эса ҳар қандай ўринда туравериши мумкин.

5. Палитра ранги. Одатда рассомлар жигарранг ёки оқ рангли палитрадан фойдаланади. Аммо палитра ранги натура жойлашаётган фонга мос келмайди. Баъзан палитрада ранг тўғри танлангандек бўлади, лекин матога тушгач ўзгариб қолади. қандай палитрадан фойдаланилмасин, оқ матога берилган дастлабки бўёқ қуюқ ва кирга ўхшайди. Тажрибасиз рассом дарҳол уни ёрқинроқ қилишга интилади. Натижада бутун тасвир оқариб кетади. Шунинг учун ҳам палитра ранги имкон қадар мато рангига мосроқ бўлгани мақсадга мувофиқ.

6. Матога грунтровка беришдан аввал рамкага тортилади. Матони солқин тортиб қўйилса, у осилиб қолади, бу бўёқ қатламини ёрилиб кетишига олиб келади. Мато рамкага нисбатан 3 – 4см. кенгроқ олинади, унинг иплари йўналиши рамка четларига параллел бўлиши зарур. Мато рамкага ҳар томондан баробар тортилади.

7. Матони грунтлаш. Грунт икки элементдан иборат бўлади: юпқа елим қатлами ва бир неча бўёқ қатлами. Елим қисми бўёқни матога сингиб кетишдан асрайди. Елим бир ёки икки қатлам қилиб берилади.

---

<sup>1</sup> Палитра – бўёқ аралаштириладиган тахтача.

Грунт бўёқ мато юзини текислайди, тегишли рангни ҳосил қилади. У 2—3 қатлам қилиб берилади.

## ОДАМ БОШИ ВА УНИ ТАСВИРЛАШ

Рассомчилик ўқув юртларида одам тасвирини чизматасвирда ва нафис тасвирий санъатда акс эттириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Портретда ва картина жанрида мураккаб ижодий муаммоларни ечишда одам қоматини ва портретини чизматасвирини маҳорат билан чизиш, пропорция ва ҳаракатни аниқлаш, деталларини катта қисмлари билан боғлаш тасвирда тус, ранг бирлиги (яхлитлиги)ни умумлаштириш ва пластик ечимини аниқлаш муҳим. Ана шуларни ўрганмас экан, портрети чизилаётган кишининг руҳий ҳолатини кўрсатиш мумкин эмас.

Одам боши (портрети) рангтасвири узоқ жараён бўлиб, назарий билим ва амалий малака, маҳоратни талаб этади. Жонли одам бошини чизиш учун катта малакага эга бўлиш керак. Уни фазода жойлашиши, перспектива ва конструктив чизиш, анатомик қурилиши ва шакл рангини кўрсата билиш билимини талаб қилади.

Портретда шахснинг индивидуаллик образини, руҳий ҳолатини, характерини бадий тасвирлашда рангнинг роли жуда каттадир. Шунингдек унинг ёшига қараб ранг танлаш ҳам муҳимдир. Масалан севги — муҳаббатга тўла ёшларни тасвирлашда лирик ранглар (мовий, яшил, бинафша ва қизил ранглар мажмуаси)дан фойдаланадилар, кексаликка хос ранглар эса унча ёрқин бўлмаган (жигарранг, кўк, хира кулранг кабилар) рангларда тасвирлайдилар (расмлар)...

Ранглар муносабатлари ҳам томошабинга катта таъсир қилиб тасвирланувчи ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Қизил — яшил. Шодликка, хурсандчиликка, байрамона гўзалликка ундайди.

Кўк — яшил. Хаёлга, тинчликка чорлайди.

Талаба жонли одам қиёфаси (портрети)ни рангли пфодалаш ва муҳитда ёруғлик билан боғлашни билиши зарур. Ёш рассом пропорция (нисбат) сезгисини ривожлантиришни жуда муҳим. Бусиз мураккаб одам қоматини ва бошини тасвирлашда ўхшашликка эришилмайди.

Одам боши (портрети)ни рангтасвирда тасвирлаш жараёнини ўзаро боғлиқ бир неча босқичга бўлиш мумкин : 1) Гризайл (оч ва тўқ тусда) техникасида одам бошини тасвирлаш; 2) Одам бошини табиий ёруғликдаги рангтасвири; 3) Одам бошини сунъий ёруғликда рангтасвири; 4) Одам бошини пленэр (табиат)да рангтасвири.

Тус нисбатлари (муносабатлари)ни тўғри амалга ошириш реалистик нафис тасвирий санъатнинг асосий элементи ҳисобланади. Рангтасвирда тус муносабатлари ранг муносабатлари билан боғлиқлиги асосий фундаментдир.

Гризайл техникасида одам бошини тасвирлаш малакаси кейинчалик рангтасвир воситалари билан муҳим вазифаларни ечишга имкон яратади.

Бу тусли тасвирга эришиш учун бир – неча машқларни амалга оширмоқ керак:

**1–машқ.** Натура бошини ёруғ (оқ) ва қора фонда этюд ишлаш.

Бу машқдан мақсад – натуранинг катта тус нисбатларини кўрсата билишни ўрганиш. Фоннинг роли ва натура туси унинг боғлиқлигига диққатни қаратиш.

Бу машқни бажаришда натурани олд томнидан ёритиш мақсадга мувофиқдир. Бош контраст ёруғ – соя кам бўлиб, сплуетда кўринади. Бош фонга нисбатан ёруғ (оқ) ёки тўқ (қорамтир) кўринишда бўлиши мумкин. Бу ҳолатда катта тус нисбатлар яққол кўринади. (12,14 – расмлар)

Этюдни гризайлда бажаришда табиий бўёқда (умбра натуральная) ва оқ бўёқдан фойдаланса ҳам бўлади (шунингдек, умбра темнўй, марс коричневўй ва кость темнўй).

## **2–машқ.** Одам боши ён томондан ёритилган этюд.

Бунда ёруғ ва соя туслари муносабатларини аниқлаш ва бош шаклини тусда амалга ошириш зарур. Юз қисмидаги айрим ёруғ ва соя қисмларига эътибор бериш керак.

Бош шаклини ишлашда соя қисмидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ундан кейин фон аниқланади.

Катта тус нисбатлари (фон билан бош) аниқлангандан кейин, ёритилган бош қисми билан ёритилган фон нисбатлари топилади. Бу кетма – кетлик тасвири тўлақонли ва фазодаги ўрнини тасаввур қилишга имкон беради.

Юз қисмлари – кўз чуқурлиги, бурун, лаб ва бошқалар умумий шаклда ишланиб асосий юзалар туси нисбатлари билан боғлаш керак.

## **3–машқ.** Аниқ ифодали анатомик шакли натура боши этюди.

Одам боши контраст ёритилган муҳитда қўйилади.

Машқ бажариш босқичлари: 1) бош қисми ва кийимнинг ёруғ ва сояси фонга нисбатан катта муносабатларини аниқлаш; 2) деталарини ўрганиш ва шаклга (қийёфага) ишлов бериш; 3) тус бирлигини ва конструктив яхлитлигини тасвирда умумлаштириш.

Умумлаштириш натурани яхлит тасаввур қилишга олиб келади. Бош шаклини тасвирлаш қонунларини яхши эгаллаш ва кўникма ҳосил қилиш кейинчалик рангда тасвирлашга замин яратади.

Рангтасвир ҳам тусли (гризайл) тасвир каби нисбатлар муносабати қонунига асосланади. Рангтасвирда тус (тон)дан ташқари ранг оҳанги муносабатлари натурадаги жисмлар ранги нисбати ва муносабатларидагидек бўлиши керак. Агар портретда натурадан ишланаётган бўлиб, ранглар оҳанги муносабатлари ҳам тўғри топилган бўлса, биз тасвирланаётган кишини албатта таниймиз у ўхшаш бўлади.

Чизматасвирни чизаётганда асосий шакл пропорциялари (мутаносиблиги) аниқ бўлиши керак. Чизматасвир чизишнинг асосий қоидалари мавжуд, бу катта қисмдан майда деталларига ўтишдир.

Шунга ўхшаш қоида рангтасвир ишлашда ҳам бор, яъни ишлашни бошлашдан аввал натура умумий ранглар муносабатларини аниқлаб холстда ҳам шуни амалга ошириш керак. Агар буни амалга оширилмаса майда (детал) қисмларини ишлаётганда рангтасвир яхлитлиги бузилиб, яхши натижа бермайди. Унинг колорити (ранглар мажмуаси) яхлитлиги ҳам йўқолади.

Одам боши рангтасвири машқида катта – катта нисбат муносабатларида ишлашни ўрганиш керак. Бунинг учун қисқа муддатли (1 – 2 соат) бир неча этюдда одам қиёфаси ва фон нисбатларини аниқлашни ўрганиш зарур. Майда қисмлар (деталлар)ини ишлаш унчалик шарт эмас. Деталлаштириш эса кейинчалик, маҳорат ошгандан кейин амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Одам боши (портрет) ёки қоматини тасвирлашдан олдин албатта қисқа муддатли этюд ишлаш тавсия қилинади.

### **1 – машқ.** Ранг характери ва индивидуал характерли одам боши этюди.

Ҳар хил қиёфали (чехрали) ва рангли натурани кулранг фонда қисқа муддатли портрет этюди ишланади. Бунда 2 – 3 портретни битта холстга жойлаштирилади ва уларни фарқларини таққослаганда ранглари, туслари, характери ҳар хил эканлиги яққол кўринади.

Бу машқдан мақсад бош шаклини умумлаштириб яхлит кўрсата билишдир. Бошнинг яхлит рангини майда деталларсиз кўра билиш ва акс эттиришдир. Шунингдек юз қисмининг ҳар хил жойлари, ҳар хил рангдалигини сезиш мумкин бўлади.

Тусда (тон) ранг характеристикаси ҳар хиллигига эътибор берилади. Масалан пешона ранги чаккага нисбатан сарғишроқ, яноқ қисми совуқроқ тусда, бўйин қисми юзга нисбатан зарғалдоқ тусда. Буларнинг ҳаммасининг ранг – туслари ҳам ҳар хилдир.

Портрет рангтасвири ҳаққоний бўлиши ранг муносабатларининг уч хусусиятига боғлиқ.

Одам бошининг ранги индивидуаллигидан ташқари ранг ва ёруғлик кучи билан характерланади. Ёруғликнинг таъсири остида ранглар ўзгаришига ҳам эътибор бериш керак.

**2-машқ.** Одам бошининг ён томонидан контраст ёритилиши тасвири

Натура (портрет) дераза олдида қўйилган. Бунда контраст ёруғликдаги ранг ва тус хусусиятларини анализ қилиш мумкин.

Хонада бош шаклини ишлашда деразадан тушаётган ёруғликнинг аҳамияти катта. Яъни натуранинг ёритилган қисмига осмоний ранг таъсирини кўрамиз. Соя қисмлари эса иссиқ рангда. Атроф – муҳит — тепадан шип рефлeksi, пастдан пол, ён томондан девор ва бошқа буюмлар таъсирида бўлади.

**3-машқ.** Одам боши олд томондан табиий ёруғлик билан ёритилган тасвири.

Фон шундай танланиши керакки одам боши силуетда кўринсин. Яъни оқ юзли одам тўқ фонда, қуёшда қорайган юз равшан (оқиш) фонда бўлади.

Диққатни фонга нисбатан бош (юз) рангининг тус нисбати ва муносабатларига қаратиш керак.

**4-машқ.** Одам боши ёруғликка қарши (рўпарада) қўйилган тасвири.

Бу ҳолатда одам боши қорамтир силуетда кўринади. (4 – расм). Соя қисмида ёруғлик акси таъсирида бўлади.

Ранг танлашда соя қисмини ўта қорамтир рангда тасвирлаш ҳам хатодир.

Ранг ва тус бошнинг соя қисмида рефлекслар кучи билан аниқланади.

**5-машқ.** Аниқ анатомик тузилишга эга бўлган эркак кишининг боши (портрети) контраст ёруғлик шароитидаги тасвири.

**6-машқ.** Натуранинг елкали портрети.



## **Одам бошининг сунъий ёруғлик шароитидаги рангтасвири**

**1-машқ.** Одам бошини соя томонидан сунъий (электр) ёруғлик билан ёритилган рангтасвири. Бунда натура бир томондан табиий ёруғликда бўлса, соя томонини пастроқ электр чироғи билан ёритилади. Соя томони сунъий сарғиш ёруғлик билан ёритилса иссиқ ва совуқ ранглар контрасти янада ошади.

**2-машқ.** Одам боши сунъий ёруғлик шартидаги рангтасвир.

Кечқурун электр ёруғлигида зарғалдоқ ранг таъсири катта бўлади. Оқ жисм оқ бўлиб кўринсада, оқ бўёқ билан бўяб бўлмайди. Малакали рассом бу ҳолда албатта зарғалдоқ ранг (бўёқ) дан фойдаланади.

## **Одам боши (портрети) пленер (очиқ-ҳаво) шароитидаги рангтасвир**

Бу рангтасвир тури ҳам ўзига хос хусусиятга эга. қуёш нури билан ёритилган натура ёруғлик кучи (ёрқинлиги) ва ранг кучи политрадаги бўёқдан устундир. Портретда тус ва ранг натурадагидек пропорционал нисбатда бўлиши керак. Бирон бир шакл рангини ва равшанлигини тўғридан—тўғри кўчириш қийин. Масалан, осмон ранги, унинг равшанлиги портретдаги қўйилган осмон рангига тенг келмаслиги мумкин. Фақат ранг нисбатлари асосида тузилиши мумкин. Шу тариқа қуёш нуридаги акс эттирилган тасвирини ҳаққонийлигига эришиш мумкин. (3—расм)

Одам бошини (портретини) ёки қоматини пленер шароитида тасвирлашдан олдин юқоридаги хусусиятларни яхши билиб олиш керак. Шунингдек бир қатор портрет рангтасвири ҳажм, шакл ва ранг ўзгаришларни кўриб таҳлил қилиш керак. Бундай таҳлилни рассомлардан Р.Аҳмедов, М.Набиев, Ю.Елизаров, К.А.Коровин, И.И.Левитан, И.Е.Репин,

А.А.Пластов ва В.Д.Поленов пленер рангтасвирида эришган ютуқларида кўриш мумкин.

Очиқ ҳавода рангтасвир ишлашда холст ва палитрани қуёш нуридан ажратиш керак. Бунинг учун соя зарур бўлиб, зонддан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**1–машқ.** Одам боши қуёш нури шароитидаги рангтасвири

Бундан мақсад қуёш нурида ранглар жилосини ва ўзгаришини англаб олиш, уни тасвирда кўрсата билиш. Рўпарадан ёритилган бош ранги оқариб кўринади, деярли рангсизга ўхшайди. Бош ён томонлари бироз рангли бўлиб кўринади. Тепа қисми осмон ранги рефлекси таъсирида, пастдан ер ёки кўкат рефлекси таъсир қилади.

Соя ранги тузилиши ёритилган қисмига контраст бўлиб, юмшоқ, рангдор, тўйинган рангда кўринади. Соя қисми рангбаранг рефлексларга бой.

Булутли кунлари нисбатан узоқроқ вақт ишланса, қуёшли эрталаб ва кечқурун бир соат атрофида бир неча кун давом эттириш мумкин. Булутли кунлари ранг равшанлиги қуёшли кунга нисбатан тез ўзгармайди.

**2–машқ.** Соядаги одам боши рангтасвири.

**3–машқ.** Булутли кундаги одам боши (портрети) рангтасвири.

**4–машқ.** Эрталабки ёки кечқурунги ёруғликда одам боши рангтасвири.

Кечки қуёш нурида натура қизил–зарғалдоқ ранг, соя қисмида эса осмон ранги рефлекси таъсирида бўлади. Бунинг билан биз контраст рангни кўрамиз. Масалан: ёритилган қисми зарғалдоқ, соя қисми нилоби (осмон) ранг, сарғишда эса – кўк рангда контрастдир.

## РАНГТАСВИРДА ПОРТРЕТНИНГ ВАЗИФАСИ

Юқорида кўрсатилган портрет машқларида асосан одам чехраси (портрет)ини рангда тасвирлашни ўрганилса, унинг ижодий томонига ва бадий образлигига тўхталмади. Улар алоҳида эътиборга лойиқ.

Биз фақат рангтасвир асоси саводлилигига диққатни қаратдик. Портретда композиция ҳам алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Портрети тасвирланаётган одамнинг ўхшашлигини, унинг ёши хусусиятини, касбий алоқадорлигини кўрсатиб бериш зарур. Тўғри танланган деталлар одам характери тасвирда очиб беришга катта ёрдам беради. (1,2 – расмлар)

Портретда инсон характери, унинг руҳий кечинмалари, руҳий ҳолати, индивидуаллик томони, миллати ва табақавий келиб чиқиши каби томонлари очиб берилиши керак. Яхши портрет – бу ҳар доим жиддий, энг муҳим ва характерли томонлари, индивидуал тақдорланмаган портретдир. (1,2,5,14,15 – расмлар)

Томошабин инсоннинг чеҳрасига ва унинг бошига диққатни қаратади. Портретда энг муҳими – бу унинг чеҳраси. Унда одамнинг ички дунёси акс этади. Унинг ёрқин характери излаш муҳимдир. Шунинг учун инсон чеҳраси портретда асосий диққат марказида бўлиб, иккинчи даражали деталлар уни тўлдиради ва муҳим томонини очиб беришга ёрдамлашади.

Тасвирланувчининг характеристикасида кўз ва лаб муҳим роль ўйнайди. Бу инсоннинг руҳий ҳолати калитидир.

Тасвирланувчининг қўли ҳам муҳимдир. қўл орқали касбини, характери, ёшини билиб олиш мумкин.

Бош ҳаракати, бурилиши, эгилиши, қош, кўз ҳаракати, гавда ҳолати ҳам тасвирланувчининг характери очиб беради. Одам эркин, табиий ҳолатда, унинг характерига мос ҳолатда тасвирланиши керак.

Булар ҳаммаси композиция тузилишининг асоси ҳисобланади. Рассом – портретчи учун индивидуал характери, руҳий ҳолатини очиб бериш асосий вазифа ҳисобланади.

Қўл ва гавда ҳолати тасвирланувчи характери кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнайди. Булар ҳаммаси юз – чеҳраси билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

В.А.Серовнинг «М.Н.Ермолова портрети» гавда ҳолатига яхши мисол бўла олади.

Ҳаракат— одамнинг яхши характеристикасидир. Иш давомида буни эсдан чиқармаслик керак.

Тасвирланувчининг кийим—боши ҳам катта аҳамиятга эга. Кийим орқали унинг касбини, табақасини аниқлаш мумкин. (2,12,15—расмлар)

Инсон образини очиб беришда теварак—атроф ва фон ҳам катта ёрдам беради. «Яхши топилган фон,— дейди М.В.Нестров,—чеҳра (юз), характер билан узвий боғланган бўлиб, тасвирланувчининг ҳаёти тасвирида қатнашади».

Портретда тасвирланувчини ҳақиқий ўлчамидан катта қилиб тасвирлаш яхши эмас. Ҳар қандай тасвирий санъат асари қандайдир масофадан кўрилади. Перспективада кичрайиб кўринади ва табиий ҳолатда қабул қилинади.

Портрет санъатида тасвирланувчи инсон чеҳраси албатта ўхшаш бўлиши керак. Агар ўхшамаса портрет рўёбга чиқмайди. Портрет— аввало бу ҳужжатдир.

Аммо портретдаги ҳужжатлилик, фотографиядаги ҳужжатлиликдан фарқ қилиб, портретда инсон характери очиб берилади. Портретдаги ўхшашлик, чеҳрасининг умумлаштирилган характеридир.

Нафис тасврий санъатда формализм оқимидаги рассомлар портрет санъатида шахс эмас, балки рассомнинг инсон ҳақидаги шахсий тасаввури асосий манба дейдилар.

Бунинг билан инсон ҳақида, унинг ички дунёсини тасвирлашни инкор этиб ўзбошимчиликка йўл қўядилар. Портрет ишлаётганда «натюрморт» ишлаётгандек ёндашадилар. Одам чеҳраси ўхшашлиги декоративликка (безакчиликка) ва схематизмга йўл қўядилар. Кўз қалб кўзгуси эмас, балки юз қисмининг бир детали сифатида акс эттирадилар. Бундай портретларда тасвирланувчи одамнинг руҳий ҳолати, унинг ҳиссиёти ва фикри тасвирдан холидир.

Портретчи – рассом маҳорати юқори даражада бўлса, шаклларга ранг беришни уддаласа характерини, шакл тузилишини усталик билан ишлашса ўзи ҳам ижодидан бахраманд бўлади. Томошабин ҳам рассом моҳирлигидан шавқ – завққа, қувончга тўлади. Моҳирлик, маҳорат ўз – ўзидан томошабинни шодликка, хурсандликка чорлайди.

# ИЛОВАЛАР

1—илова

## ФОН ТАЪСИРИДА РАНГНИ ЎЗГАРИШИ

Ранг	Фон туси	Рангни оптик ўзгариши
Қизил Қизил Қизил Қизил	Сариқ Кўк Зарғалдоқ Яшил	Бинафша — қизил Зарғалдоқ — қизил Кўкимтир — қизил Тўқ — қизил
Сариқ Сариқ Сариқ Сариқ Сариқ	Қизил Кўк Қора Зарғалдоқ Бинафша	Яшилсимон — сариқ Зарғалдоқ Ранг қуюқлашади Яшилсимон — кўк Кучли — сариқ
Кўк Кўк Кўк Кўк	Қизил Зарғалдоқ Кулранг Оқ	Яшилсимон — кўк Қуюқ кўк Қизғиш — кўк Тим қора
Зарғалдоқ Зарғалдоқ Зарғалдоқ Зарғалдоқ	Қизил Сариқ Яшил Бинафша Қора	Яшилсимон — сариқ Кучсиз яшил Қизғиш Оч — зарғалдоқ Кучли ёруғ
Яшил Яшил Яшил Яшил	Қизил Кўк Қора Зарғалдоқ	Тўқ яшил Оч — яшил Қуюқ яшил Кўксимон — яшил
Бинафша Бинафша Бинафша Бинафша	Кўк Яшил Кулранг Оқ	Яшилсимон — қизил Қизил — бинафша Қизғиш — кўк Ёрқинроқ кўринади

Оқ Оқ Оқ Оқ	Қизил Сариқ Зарғалдоқ Яшил	Яшилсимон – оқ Қизғиш – оқ Кўкимтир – оқ Қизғиш – оқ
Кулранг Кулранг Кулранг Кулранг Кулранг	Қизил Кўк Сариқ Яшил Зарғалдоқ	Яшилсимон Сарғиш Кўкимтир Қизғиш Кўкимтир

2—илова

**Рангни сунъий ёруғлик таъсирида ўзгариши.**

<b>Табиий ёруғликда бўёқ ранги</b>	<b>Сунъий ёруғликда ранг тусининг ўзгариши</b>
Оқ	Сарғиш тусдаги оқ
Кулранг	Қизғиш тусли кулранг
Сариқ	Оқ ранга яқин
Зарғалдоқ	Қизғиш тусли зарғалдоқ
Қизил	Тўйинган қизил
Бинафша	Қизғиш тусли бинафша
Яшил	Кўкимтир ёки сарғиш тусли яшил
Зангори	Яшилсимон тусли зангори
Тўқ кўк	Қорамтир рангдан фарқ қилмайди

## МОЙБЎЁҚ ТУРЛАРИ

Тубдаги юлдузчалар сони унинг ёруғликка чидамлилигини кўрсатади: уч юлдузча — юқори чидамли, икки юлдузча — ўртача, бир юлдузча — паст ёруғликка чидамли. Мойбўёқларни сақлаш муддати ишлаб чиқарилган кундан бошлаб уч йил.

№	Мойбўёқ номи	Ёруғликка чидамли лиги
1.	Белила цинковые — оқ	XX
2.	Станционная желтая — сариқ	X
3.	Кадмий лимонный — сариқ	XX
4.	Кадмий желтый — светлый — сариқ	XXX
5.	Кадмий желтый средний — сариқ	XXX
6.	Кадмий желтый темный — сариқ	XXX
7.	Кадмий оранжевый — зарғалдоқ	XXX
8.	Золотисто — желтая «ЖХ» — тилларанг	X
9.	Охра светлая — тупроқ ранг	X
10.	Охра золотистая — тупроқ ранг	XXX
11.	Смена натуральная — тупроқ ранг	XXX
12.	Арзеканская желтая — сариқ	XX
13.	Тандзутская желтая — сариқ	XX
14.	Марс желтый прозрачный — жигарранг	XXX
15.	Кадмий оранжевый — красный — қизил	XXX
16.	Кадмий красный светлый — қизил	XXX
17.	Кадмий красный темный — қизил	XXX
18.	Кадмий пурпурный — қизил	XXX
19.	Тиондигро розовая — қизил	X
20.	Крапак красный светлый — қизил	X
21.	Крапак — красный темный —	X



	қизил	
22.	Кобальт фиолетовый светлый – бинафша	XX
23.	Кобальт фиолетовый темный – бинафша	XXX
24.	Охра красная прозрачная – қизил	XXX
25.	Охра красная – қизил	XXX
26.	Английская красная – қизил	XXX
27.	Индийская красная – қизил	XXX
28.	Венецианская красная – қизил	XXX
29.	Шахназарская красная – қизил	XXX
30.	Гутаннарская красная – қизил	XXX
31.	Серпуховская красная – қизил	XXX
32.	Капут – мортум светлый – жигарранг	XXX
33.	Капут – мортум темный – жигарранг	XXX
34.	Сиена темная – жигарранг	XXX
35.	Гутанкарская фиолетовая – бинафша	XXX
36.	Марс оранжевый прозрачный – зарғалдоқ	XXX
37.	Цхалтубская красная – қизил	XXX
38.	Охра темная – тупроқ ранг	XXX
39.	Агаракская красная – қизил	XXX
40.	Марс коричневый светлый – жигарранг	XXX
41.	Марс коричневый темный прозрачный – жигарранг	XXX
42.	Кудиновская коричневая – жигарранг	XXX
43.	Умбра темная – жигарранг	XXX
44.	Феодосийская коричневая – жигарранг	XXX
45.	Хотьновская коричневая – жигарранг	XXX
46.	Умбра натуральная – жигарранг	XXX
47.	Ван – Дик коричневый –	XX

	жигарранг	
48.	Кобальт зеленый светлый – яшил	XXX
49.	Марганцево – кадмиевая зеленая – яшил	XXX
50.	Окись хром – яшил	XXX
51.	Кобальт зеленый темный – яшил	XXX
52.	Виридоновая зеленая – яшил	XX
53.	Волконсоит – яшил	XXX
54.	Зеленая «ФЦ» – яшил	XX
55.	Хром – кобальт сине – зеленый – яшил	XX
56.	Хром – кобальт зелено – голубой – зангори	XX
57.	Маргенцевая голубой – зангори	XX
58.	Церелеум – зангори	XXX
59.	Кобальт синий – светлый – кўк	XXX
60.	Кобальт синий средний – кўк	XXX
61.	Кобальт синий темный – кўк	XXX
62.	Кобальт синий спектральный – кўк	XXX
63.	Ультрамарин светлый – кўк	XX
64.	Ультрамарин темный – кўк	XX
65.	Голубая «ФЦ» – зангори	XX
66.	Виноградная черная – қора	XXX
67.	Персиковая черная – қора	XXX
68.	Звенигородская черная – қора	XXX
69.	Тиондиги черная – қора	XX
70.	Подольская черная – қора	XXX

## РАСМЛАР РЎЙХАТИ

- 1–расм. *Хасанова Шамсирой.* «Шоира Мутроба портрети».
  - 2–расм. *Р.А.Худайбергенов.* «Ҳамшира» (Саломат).
  - 3–расм. *В.А.Серов* «Қуёш остидаги қиз».
  - 4–расм. *И.Крамской.* «Соябон остидаги аёл».  
(Далада тун пайти).
  - 5–расм. *Ренуар* «Актер Самара портретига этюд».
  - 6–расм. *Винсент Ван Гог* «Папаша Танги».
  - 7–расм. *С.Кошевой.* «Марварид ўлка».
  - 8–расм. *П.П.Бенков* «Дугоналар».
  - 9–расм. *Р.А.Худайбергенов* «Дала оқшоми».
  - 10–расм. *Ў.Тансиқбоев* «Тоғда».
  - 11–расм. *В.Суриков* «Бояр аёл Морозова».
  - 12–расм. *В.А.Тропинин* «А.А.Оболенская портрети».
  - 13–расм. *В.А.Серов* «Ёш қиз шафтоли билан».
  - 14–расм. *И.Репин.* «Композитор М.П.Мусоргский портрети».
  - 15–расм. *Р.Аҳмедов* «Аёл портрети».
- Муқовада *Ч.Ахмаров* «Ширин».

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида». ИТ.Ўз.Нашр.1998
2. Арюшин Л.Ф. «Цветоведение». Москва. Книга. 1982
3. Алексеев С. «О колорите». Москва Издательство «Изобразительное искусство». 1974
4. Аксенов Ю, М.Левидова. «Цвет и линия». Москва «Художник» 1986.
5. Баркамол авлод орзуси (Нашр учун масъул Т.Рихсиев) Тошкент «Шарқ» 1999
6. Беда Г.В. «Живопись». Москва. «Просвещение». 1986
7. Ваннер А.В. «Материалы живописи». Искусство. Москва. 1954. Высшая школа.
8. Зайцев А. «Наука о цвете и живописи». Москва «Искусство». 1986.
9. Икромжонов А.Т. «Рангтасвида этюд» Тошкент 2003
10. Кузин В.С. «Высшая школа» Москва. 1982.
11. Моргунов П.С. «Б.Н.Погансон». Москва. Государственное издательство «Искусство». 1939.
12. Набиев М. «Рангшунослик». Ташкент. Ўқитувчи. 1995
13. «Рисунок и живопись». Москва. Издательство «Искусство». 1963
14. Тютюнник В.В. «Материалы и техника живописи». Издательства Академии художеств. Москва . 1992
15. Фрилит Г.Ауэр К. «Человек — цвет — пространство». Москва. Стройиздат. 1973.
16. Худайберганов Р. «Рангшунослик»
17. Шегаль Г. «Колорит в живописи», «Искусство». Москва. 1957.

## МУНДАРИЖА

Кириш_____	4
Санъат ва реализм_____	5
Санъатда мазмун ва шакл_____	10
Нафис тасвирий санъат (рангтасвир) _____	12
Масофавий перспектива_____	14
Портрет жанри_____	16
Одам боши (чеҳра) чизматасвири_____	21
Рангтасвирда чизматасвирининг ўрни_____	23
Рангтасвир назарияси. Ранг(бўёқ)да ишлаш . назарияси_____	27
Нафис тасвирий санъатда ранг масаласи_____	29
Ранглар муносабати ва колорит_____	30
Ранг билан ишлаш бўйича рассом қобилияти_____	33
Рангтасвирда мутаносиблик (пропорция)_____	34
Умумий ранг ва тус(тон)лар ҳолати_____	36
Ёритилганликнинг умумий туси ва ранглар ҳолати_____	39
Нигоҳий идрокнинг яратилиши_____	41
Тасвир бутунлиги ва композиция маркази_____	42
Тасвирлашда ранглар мужассамлиги_____	44
Бўёқ рангининг кучи_____	45
Рангтасвирда рангнинг иссиқ – совуқлиги_____	46
Ранг жилдорлиги(«оҳанги»)ва туслар нисбати_____	48
Натурадан рангтасвир ишлаш жараёни_____	49
Натура объектларининг амалий тасвири_____	54
Ранг хусусиятлари_____	55
Рангтасвирда этюдлар_____	56
Мойбўёқ билан ишлаш. Амалий маслаҳатлар_____	57
Одам боши портрети. Одам бошини тасвирлаш_____	60
Рангтасвирда портретнинг вазифаси_____	66
Фон туси таъсирида рангни ўзгариши_____	69
Мойбўёқлар турлари_____	72
Адабиётлар_____	75

Ўзбек тилида

# ТАСВИРИЙ САНЪАТДА РАНГ

Тасвирий санъат факультети талабалари учун  
ўқув қўлланма

Муҳаррир *Ҳ.Исмоилов*  
Муқова дизайнери *Р.Худайберганов*  
Саҳифаловчи *Д.Холиқова*  
Техник муҳаррир *Р.Аюпов*

Босишга руҳсат этилди — 18.06.04

Бичими 60x84 1/16

Шартли босма табағи — 4,75

Адади — 300 нусха

Буюртма № — 372

---

700031 Тошкент Юнус Ражабий кўчаси, 77

ТДС11 Ўқув босмахонасида чоп этилди



